

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA  
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
GULISTON DAVLAT UNIVERSITETI**

**TABIYY FANLAR FAKULTETI**

**TUPROQSHUNOSLIK  
KAFEDRASI**


5141000 – Tuproqshunoslik ta'lif yo'nalishi bitiruvchisi

Doniyorova (Turg'unova) Surayyo Sodiqboy qizining

“Bo‘z-o‘tloqi tuproqlarning lazerli tekislash ta’sirida sho‘rlanish  
darajasining o‘zgarishi (Oqoltin tumani Bobur SIU misolida)”  
mavzusidagi bajargan

**BITIRUV MALAKAVIY  
ISHI**

Rahbar:



Tuproqshunoslik kafedrasasi  
professori, R.Qurvontoyev

**GULISTON-2020**

Bitiruv malakaviy ish Guliston davlat universitetining 2020 yil “16”  
06 dagi 1 - sonli buyrug‘i bilan tasdiqlangan Davlat attestatsiya  
komissiyasida muhokama qilindi va “YI” ball bilan (yaxshi) baholandi.  
(a’lo,yaxshi,qoniqarli)

Bitiruv malakaviy ish Tabiiy fanlar fakultetining 2020 yil “28”  
05 dagi 10 - sonli Ilmiy uslubiy kengashi qarori bilan Davlat  
attestatsiya komissiyasiga himoya qilish uchun tavsiya etildi.


Fakultet dekani:



A.Yuldashev

Bitiruv malakaviy ish Tuproqshunoslik kafedrasining 2020 yil “26”  
05 dagi 10 - sonli muhokama qilindi va himoya uchun tavsiya  
etildi.


Kafedra mudiri:



Sh.Turdimetov


Bajaruvchi: 5141000 – Tuproqshunoslik ta’lim yo’nalishi

23-16 guruh talabasi



S.Doniyorova (Turg’anova)

Rahbar



R.Qurvontoyev

Гулистан давлат университети Тупроқшунослик кафедрасининг

2020 йил 26 05 даги № 10 баённомасидан

## КҮЧИРМА

2020 йил 26 05

Қатнашдилар:

Кафедра мудири, б.ф.н., доцент  
Ш.Турдиметов, доцентлар  
И.Уразбоев, А.Алтмишев,  
Ү.Тошбеков, Г.Миршарипова,  
А.Мусурмонов,

### КУН ТАРТИБИ:

Гулистан давлат университети Тупроқшунослик кафедрасининг 5141000 – Тупроқшунослик йўналиши талабаси С.Дониёрова (Турғунова)нинг “Бўз-ўтлоқи тупроқларнинг лазерли текислаш таъсирида шўрланиш даражасининг ўзгариши (Оқолтин тумани Бобур СИУ мисолида)” мавзусида тайёрланган битирув малакавий ишининг химояси мухокамаси.

**ЭШТИЛДИ:** Масала юзасидан кафедра мудири, доцент Ш.Турдиметов сўз олиб битирувчи С.Дониёрова (Турғунова)нинг “Бўз-ўтлоқи тупроқларнинг лазерли текислаш таъсирида шўрланиш даражасининг ўзгариши (Оқолтин тумани Бобур СИУ мисолида)” мавзусида тайёрлаган битирув малакавий ишининг долзарблиги, ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чукурлаштириш кенгайтириш ва ривожлантириш, ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишга катта этибор берилмоқда, юртимизда шўрлangan майдонларнинг кўплигини инобатга олган ҳолда шўр ювиш вақти ва меъёрларини билишимиз талаб этилади. Шундан сўнг кафедра профессор-ўқитувчиларнинг фикрларини билиш учун сўз навбати берилди.

**Сўзга чиқди:** Кафедра катта ўқитувчиси И.Рахмонов бажарилган битирув малакавий иши мамлакатимизда шўрлangan майдонларнинг кўплигини инобатга олган ҳолда уларнинг мелиоратив ҳолатиша баҳо бериш ва яхшилаш чора тадбирлари бўйича маълумотлар келтирилган, жадваллар таҳлил асосида хулоса тавсияларини тўғри бажарилганлигини, битирув малакавий ишини бажариш тўғри амалга оширилганлигини қайд этди.

Йиғилишда сўзга чиқсан профессор-ўқитувчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олиниб,

### ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1.5141000–Тупроқшунослик таълим йўналиши талабаси С.Дониёрова (Турғунова)нинг “Бўз-ўтлоқи тупроқларнинг лазерли текислаш таъсирида шўрланиш даражасининг ўзгариши (Оқолтин тумани Бобур СИУ мисолида)” мавзусида тайёрланган битирув малакавий иши тасдиқлансин.

2.5141000–Тупроқшунослик таълим йўналиши талабаси С.Дониёрова (Турғунова)нинг “Бўз-ўтлоқи тупроқларнинг лазерли текислаш таъсирида шўрланиш даражасининг ўзгариши (Оқолтин тумани Бобур СИУ мисолида)” мавзусида тайёрланган битирув малакавий иши ҳимоя қилиш учун тақдим этилсин.

Кафедра мудири:

Ш.Турдиметов

Котиба:

С.Умирзакова



Гулистан давлат университети Табиий фанлар факультети  
“Тупроқшунослик” кафедраси 4-босқич талабаси Дониёрова (Турғунова)  
Сурайё Содикбой қизининг 5141000 –Тупроқшунослик таълим  
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Бўз-ўтлоқи  
тупроқларнинг лазерли текислаш таъсирида шўрланиш даражасининг  
ўзгариши (Оқолтин тумани Бобур СИУ мисолида)” мавзусидаги  
битириув малакавий ишига

### ТАҚРИЗ

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган  
ислоҳотлар ва уларнинг замирида аҳолининг турмуш даражасини оширишда  
кўпгина амалий ишлар амалга оширилмоқда. Мевали боғлардан юқори ҳосил  
олиш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга  
oshiрилмоқда.

Ҳозирги кунда дунё дехқончилигида тупроқ унумдорлигини ошириш ва  
уларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш ва яхшилаш чора тадбирларининг  
аҳамиятини билиш энг асосий мақсад ва вазифалардан ҳисобланади.

Оқолтин туманида тарқалган гидроморф тупроқларининг  
унумдорлигини ва мелиоратив ҳолатини баҳолаш, уларни яхшилаш чора  
тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ ёритган.

Бугунги кунда республикамизда тупроқ унумдорлигини ошириш,  
уларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш ва яхшилаш чора тадбирларини  
ўрганиш ва уларни амалиётда қўллашни тўғри ташкил қилиш мақсадга  
мувофиқдир.

С.Дониёрова (Турғунова)нинг битириув малакавий иши бугунги кундаги  
долзарб муаммоларидан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда келтирилган  
барча маълумотларни тўғри ва аниқ эканлигини инобатга олиб, ушбу  
битириув малакавий ишини ҳимоя қилишга тавсия этаман.

Гулистан давлат университети  
Тупроқшунослик кафедраси  
доценти



А.Алтмишев

Гулистан давлат университети Табиий фанлар факультети  
“Тупроқшунослик” кафедраси 4-босқич талабаси Дониёрова (Турғунова)  
Сурайё Содиқбой қизининг 5141000 – Тупроқшунослик таълим  
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун “Бўз-ўтлоқи  
тупроқларнинг лазерли текислаш таъсирида шўрланиш даражасининг  
ўзгариши (Оқолтин тумани Бобур СИУ мисолида)” мавзусидаги  
битирув малакавий ишига раҳбар

## ХУЛОСАСИ

Республикамиз суғориладиган тупроқларидан самарали фойдаланиш ва  
унумдорлигини ошириш муҳимдир. Суғориладиган майдонлардан самарали  
фойдаланиш, гидроморф тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини ўрганиш  
орқали ерларга экинларни жойлаштириш ва тупроқ унумдорлигини мунтазам  
oshiриб бориш туфайли иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин бўлади.

Талаба Сарибаев Азизбекнинг “Гидроморф тупроқларининг  
мелиоратив ҳолатига баҳо бериш ва яхшилаш чора тадбирлари (Сирдарё  
тумани Сирдарё СИУ мисолида)” мавзусидаги битирув малакавий иши  
ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан биридир.

Битирув малакавий иш кириш, адабиётлар шарҳи, асосий қисм, хуроса,  
ва тавсиялар, ҳамда фойдаланилган адабиётлардан иборат бўлиб, у амалдаги  
Низомлар талаблари асосида тайёрланган.

У кириш ва адабиётлар шарҳи қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад  
ва вазифалари, ишнинг амалий аҳамияти ва битирув малакавий ишнинг  
тузилиши ва 30 дан ортиқ адабиётларни таҳлил қилган изоҳлаб берган.

Талаба С.Турғунова асосий қисмда Оқолтин туманидаги  
тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш ва уни яхшилаш тадбирларини  
тўлиқ таҳлил қилиб жадваллар асосида ёритган. Чиқарилган хуросалар тўғри  
ва етарли далилларга асосланган.

С.Дониёрова (Турғунова)нинг битирув малакавий иши амалдаги  
Низомлар талабларига тўлиқ жавоб бериши, унинг малакаси қўйилган  
муаммоларни мустақил ҳал қилишга етарли эканлигини исботлади. Шу  
сабабли С.Дониёрова (Турғунова)нинг “Бўз-ўтлоқи тупроқларнинг лазерли  
текислаш таъсирида шўрланиш даражасининг ўзгариши (Оқолтин тумани  
Бобур СИУ мисолида)” мавзусидаги битирув малакавий ишини амалдаги  
Низом талабларига тўла жавоб беришини ҳисобга олиб, ДАКда ҳимоя  
қилишга тавсия этаман.

Битирув малакавий  
иш раҳбари:



Р.Курвонтоев

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарбій жаңылар факультети Түркістан кафедрасы


Йуналиш: Түркістан

«Тасдиклайман»

Факультет декани

«10» науза

2029 йил



Битируд малакавий иш буйича топширик  
Талаба Димитрова (Кигинова) Бибижан ғолізбек үзіс  
(Ф.И.Ш.)

1. Ишнинг мавзуси ВОЗ-өтөүгі түркологияны изоҳли  
жизни тибииети тарихи таърихи  
бүгүншілік (Оғолстар ғумми өмөти  
миссионерлар) мураси  
Ректорнинг «06 » май 2020 й 631-6 - сонли бүйрүғи билан тасдикланган

2. Ишни топшириш муддати 1.06.2020

3. Мавзу буйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар руйхати:

Ахметов А. Н. Абдуллаев С. А. Түркістан  
Э. Г. Сидорук В. В. Сидорук В. В. Сидорук  
Ж. Мажитуллаев. Тарихи: 02.07.0 "Ози" панда  
Борчанбеков А., Сидорук М. М. Түркология  
дайындаған "Түркология" жарнамасынан  
М.М. Сидорук "Түркология" жарнамасынан  
М.М. Сидорук "Түркология" жарнамасынан  
М.М. Сидорук "Түркология" жарнамасынан  
М.М. Сидорук "Түркология" жарнамасынан

4. Ишнинг максади ва хал килинадиган масалалар:

Оғолстар ғумми өмөти 8d и тибииет  
жизни тибииети тарихи тарихи  
бүгүншілік (Оғолстар ғумми өмөти  
миссионерлар) мураси  
Оғолстар ғумми өмөти 8d и тибииет  
жизни тибииети тарихи тарихи  
бүгүншілік (Оғолстар ғумми өмөти  
миссионерлар) мураси  
Оғолстар ғумми өмөти 8d и тибииет  
жизни тибииети тарихи тарихи  
бүгүншілік (Оғолстар ғумми өмөти  
миссионерлар) мураси

5. График кисми материаллари руйхати: Илчесе жаңадандаш  
иберат.

6. Ишни бажариш режаси:

№	Боскичлар номи	Бажариш муддати	Бажарилганлик белгиси
1.	Марки үзгөрістен ілмінгі адабиеттер тәрбия	2019-жыл 10.12.2019	
2.	B.M2 бойчан кіріш ва мәдениеттер шархи сүйүнлестер	10.03.2020	
3.	Марки үзгөрістен бейналық ілмін жастықтанама үйінші ва ғана тәрбия	12.04.2020	
4.	B.M1 бойчан оғынан жүргізу өткізу мәдениеттер жастықтанама үйінші алғыда үзүнші	15.05.2020	
5.	B.M2 ni қалыптастыру ва химияның багызы ғарлых көрініш	10.06.2020	

Битирув иши рахбари

Р. Бишибаев

Кафедра мудири

Ш. Тұрсынжемиров

Топширикни бажаришга олдым

С. Донишерова

«11» май 2019 жыл.

# МУНДАРИЖА

Бет

<b>КИРИШ.....</b>	<b>2</b>
<b>I. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ.....</b>	<b>6</b>
<b>II. ИЗЛАНИШ ОЛИБ БОРИЛГАН ХУДУДНИНГ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИ.....</b>	<b>14</b>
2.1 Географик ўрни ва ҳудуд тўғрисидаги умумий маълумотлар.....	14
2.2 Геоморфологик ва геологик тузилиши.....	15
2.3 Гидрогеологик шароитлари	16
2.4 Иқлими	18
2.5 Ўсимликлари ва инсин фаолияти	21
2.6 Тупроқлари	22
<b>III. ТАДҚИҚИОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБИ.....</b>	<b>24</b>
<b>IV ОҚОЛТИНТУМАНИ Т.БОБУР СИУ ҲУДУДИДИНИНГ АСОСИЙ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ ВА, СУВ-ФИЗИКАВИЙ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ЛАЗЕРЛИ ТЕКИСЛАШ ОРҚАЛИ БОШҚАРИШ</b>	<b>30</b>
4.1 Сизот сувларининг минераллашганлигига лазерли текислашни таъсири.....	33
4.2 Суғориш, коллектор ва зовур сувлари тавсифи.....	36
4.3 Суғориладиган тупроқларнинг шўрланганлиги ва сувда осон эрувчи тузлар заҳиралари.га лазерли текислаш таъсири.....	40
4.4 Мирзачўл воҳаси суғориладиган тупроқларининг лазерли текислашдан кейинги мелиоратив ҳолатини баҳолаш	48
<b>V. БОБУР СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚ ЛАРИНИНГСУВ-ФИЗИКАВИЙ ХОССАЛАРИГА ЛАЗЕРЛИ ТЕКИСЛАШНИНГ ТАЪСИРИ</b>	<b>51</b>
5.1 Тупроқлар умумий физикавий хоссаларига лазерли текислашнинг таъсири	51
5.2. Тупроқлар сув хоссаларига лазерли текислашнинг таъсирида ўзгариши	54
ХУЛОСАЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАВСИЯЛАР	58
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	61

## К И Р И Ш

**Малакавий ишнинг долзарбилиги.** Бугунги кунда дунёда «2,6 миллиард аҳоли тупроқ деградацияси оқибатларидан азият чекмоқда ва деградация жараёнлари, яъни эрозияланиш, шўрланиш, чўлланиш ва бошқалар туфайли тупроқ унумдорлигини пасайиши кузатилмоқда. Халқаро ФАО ташкилоти маълумотларига кўра, 33% дан ортиқ ерлар деградацияга учраган»<sup>1</sup>. Тупроқ қопламини деградация жараёнларидан муҳофаза қилиш ва суғориладиган тупроқлар унумдорлигининг оширишга қаратилган агротехник тадбирларни илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда деградацияга учраган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини яхшилаш орқали унумдорлигини ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, суғориладиган тупроқларда деградация жараёнлари натижасида тупроқ қопламида юзага келадиган ўзгаришларни аниқлаш, органик дехқончилик тизимини йўлга қўйиш, тупроққа органик, минерал, биогумус ва биопрепаратлар қўллаш орқали суғориладиган тупроқлар унумдорлигини ошириш технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда деградацияга учраган суғориладиган тупроқларда унумдорлигини саклаш ва ошириш, суғориладиган тупроқлар деградациясининг олдини олишга ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга қаратилган агротехнологияларни жорий этиш орқали дехқончиликни ривожлантириш бўйича кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли

<sup>1</sup><https://www.fao.org/soils-portal/soil-degradation>

фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш»<sup>2</sup> муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу боис, республикамиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда сугориладиган тупроқларнинг хоссаларини яхшилаш, тупроқларни ўсимликлар қолдиқлари билан мульчалаш, тупроқларга органик-минерал ўғитлар, биогумус ва биопрепаратларни биргаликда қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлар ҳосилдорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 декабрдаги 03-12-7-сонли «2017-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, агрокимёвий хизматлар сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу битирув малакавий тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Сирдарё вилояти худудида бир қанча катта ҳажмдаги агромелиоратив ва гидромелиоратив тадбирлар олиб борилишига қарамасдан сугориладиган худудда мелиоратив тартиботини бошқариш ва мақбуллаштиришга эришилмаганлиги, назоратсиз сугоришлар, тупроқ шўр ювиш ишларини жуда нотекис ерларда, ўз вақтида ва сифатли ўтказмаслик, оқибатида ерларнинг сифат ва самарадорлиги ҳанузгача пастлигича қолмоқда, шўрланиш жараёнлари жадал суръатларда давом этмоқда.

**Малакавий битирув ишининг долзарблиги:** Оқолтин тумани Бобур СИУ худуди ерлари ўзининг тупроқ-мелиоратив ҳолатидаги айrim салбий жараёнлар, тупроқ сув-туз тартиботларининг ўзига хослиги билан

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

вилоятнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради, шу сабабли бу туман суғориладиган тупроқларини батафсил ўрганиш ўзига хос тадқиқотларни ўтказишни тақозо этади ва ҳозирги қун давр талабларидан келиб чиқиб, ниҳоятда долзарб масала ҳисобланган лазерли текислашни амалга ошириш энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

**Малакавий битирув ишининг илмий янгилиги:** Оқолтин тумани Бобур СИУ ҳудудидаги суғориладиган тупроқлари ҳозирги даврдаги умумий физикавий, сув-туз ҳолатига лазерли текислашнинг таъсирини ўрганиш ишнинг илмий-амалий янгилиги ҳисобланади.

**Малакавий битирув ишининг асосий мақсади:** Оқолтин тумани Бобур СИУ ҳудудида уғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг лазерли текислаш орқали мелиоратив ҳолатини яхшилашни жорий этишдан иборат .

Кўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- Ҳудуд тупроқларида лазерли текислаш таъсирида туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланиш жараёнларини келтириб чиқарувчи табиий ва антропоген омилларни ўрганиш;
- Ер ости сизот (шу жумладан, коллектор-зовур) сувларининг жойлашиш чуқурлиги, минераллашганлиги ва кимёвий таркибларини лазерли текислаш таъсирини аниқлаш;
- Тупроқнинг 0-1, 1-2 ва 0-2 метрли қатламларидаги сувда осон эрувчи тузлар ва улар заҳираларини лазерли текислаш таъсирини аниқлаш;
- Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолатини баҳолаш, умумий физикавий хоссаларини яхшилашга қаратилган лазерли текислашни жорий қилишга оид тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Амалий аҳамияти:** Оқолтин тумани Бобур СИУ ҳудудида тарқалган суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар ҳисобланиб, ҳозирги мелиоратив ҳолатини чуқур тадқиқ этиш натижасида, улар лазерли текислаш орқали мақбуллаштирилади ва унумдорлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишида амалий дастур бўлиб ҳизмат қиласи.

## **І БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ**

Мирзачўл нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда йирик пахтачилик районларидан бири ҳисобланиб, бу ҳудудда Ўзбекистон Республикасининг Сирдарё ва Жиззах (ер майдонлари 471,2 минг гектар), Қозогистоннинг Чимкент (122,4 минг га.) ва Тожикистоннинг Хўжанд (14,2 минг га.) вилоятларининг суғориладиган ерлари жойлашган [58].

Мирзачўл бепоён тоголди текисликларини ўзида мужассамлаштирган сал кам 1 млн. гектарга яқин майдонларни ишғол қиласди. Ҳудуднинг суғориш учун яроқли жами 800 минг гектар экин майдонларидан 270 минг гектари "Дўстлик" (олдинги Киров) магистрал канали (ДМК) тизимларидан суғорилиб, Мирзачўлнинг эскидан ўзлаштирилган ҳудудси, 300 минг гектардан ортиқроқ майдонлар эса Жанубий Мирзачўл канали (ЖМК) тизимларидан таъминланиб Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган ҳудудси деб аталади, улар ўртасидаги чегара бўлиб, Марказий Мирзачўл коллектори хизмат қиласди.

Сирдарё вилоятидаги 273,8 минг гектар суғориладиган экин майдонлари турли даража ва кўринишдаги гидромелиоратив ва суғориш тизимлари билан қамраб олинган, улардан олинган маълумотлар ер ости сувлари сатҳини ҳамда сизот сувлари ва тупроқлардаги шўрланиш йўналишлари ва интенсивлик даражасини кўрсатиб туради. Булардан ташқари Сирдарё вилоятида 16329, километр узунликдаги очик ва ёпиқ ётиқ зовурлар фаолият кўрсатиб, ер ости сизот ва заҳкаш сувларни вилоят ҳудудидан ташқарига чиқариб юборишга хизмат қиласди. Булар қаторига яна вилоядаги тик қудуқларни (вертикал скважиналар) қўшадиган бўлсак Сирдарё вилоят мелиоратив хўжалиги чиндан ҳам етарлича қудратли ва пухта тузилмаларга эга эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Аслида вазият шундай-ми? Ҳозирда Сирдарё вилояти тупроқлари турли даражада шўрланган бўлиб, республикада энг кўп шўрланган вилоят сирасига киради. Бундан атиги ўн йил аввал, яъни 2016 йилда Сирдарё вилоятида жами шўрланган ерлар майдони суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг 80,4

фоизни, шу жумладан ўртача ва кучли шўрланган ерлар майдони 34,6 фоизни ташкил этган ҳолда, бу вазият вилоят иқтисодиётининг келажаги учун катта таҳдид ва ташвиш сифатида қаралган эди.

Шўрланган ерлар майдони, иш самарадорлиги ўта паст зовур тармоқлари фонида экинларни ортиқча меъёрларда суғориш, тупроқларнинг турли мелиоратив гурухлари хосса ва хусусиятларини эътиборга олмай сифатсиз шўр ювиш, келгуси йил ҳосили учун ерларни ўз вақтида ҳайдамаслик ва ниҳоят, пахта ўсиб турган шўр ерларга ғалла экинлари экиш оқибатида шўрланган ерлар майдони 2 баробарга ошган.

В.Г.Насонов ва И.Б.Рўзиевларнинг [39] маълумотларига қараганда Сирдарё ва Жizzах вилоятларида 2000 га яқин вертикал скважиналар (зовурлар) мавжуд бўлиб, қатламал зовурларнинг солиштирма узунлиги гектарига ўртача 42,4-46,7 метрни ташкил этади ва республика ўртача кўрсаткичларидан (28,1м/га) анча юқори ҳисобланади. Шунга қарамасдан, бу вилоятлар суғориладиган тупроқларининг мелиоратив ҳолати анча оғир, суғорма дехқончилиқда ўта ноқулай.

Мазкур вилоятларнинг туздан ювилган, кучсиз ва ўртача даражада шўрланган тупроқлари орасида 30-40, айрим майдонларда 50 фоизгacha шўрҳокли доғлар учрайди. Бундай катта-кичик шўрҳокли доғлар ҳар йили ўtkaziladigan мелиоратив тадбирларнинг сифатсизлиги боис аста-секин кенгайиб, экин майдонларининг ёппасига шўрланишига олиб келмоқда, бу ҳолат ўз навбатида ерларнинг бир қисмини суғорма дехқончилиқдан, умуман олганда, қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Мирзачўлнинг турли литологик-геоморфологик, гидрогеологик, тупроқ-мелиоратив шароитларидағи ва иқлимий кўрсаткичларидаги эскидан ва янгидан суғориладиган ҳудудлари учун алоҳида табақалашган мелиоратив тадбирлар тизими, технологик усуллар ишлаб чиқилмаган. Жумладан, таърифланаётган вилоятлар эскидан ўзлаштирилган ҳудуд мураккаб гидрогеологик шароитларида эксплуатация ва мелиоратив даврлар учун сув-туз тартиботларини бошқариш усуллари шу

кунга қадар илмий асосда ишлаб чиқилмаган ва амалиётда ўз аксини топмаган.

Бу худудда вертикал зовурлар иш фаолияти чегараланган бўлиб, паст самарадорликга эга ва уларни иш тартиботларини асослашда муайян йилдаги ер ости табиий оқимлари ва об-ҳаво шароитлари худуднинг ҳамма жойларида эътиборга олинмайди. Бу худуддаги ерларни вертикал зовурларнинг интенсив ва мўътадил таъсиридаги районларга (худудчаларга) ажратиш зарур. Ажратилган бу худудчаларнинг ҳар бирида сугориш ва шўр ювиш параметрларини ўрнатиш талаб этилади, шу билан бир қаторда вертикал зовурларнинг иш тартиботларини яхшилаш, такомиллаштириш, фойдали иш коэффицентларини янада ошириш биринчи навбатдаги вазифалардан ҳисобланади.

Тупроқ-замин қатлам-қатламли тузилишга эга бўлган Мирзачўлнинг Жанубий Мирзачўл канали таъсиридаги янгидан суғориладиган худудида чуқур ётиқ ёпиқ зовурлар фонида сугориш билан боғлиқ мелиоратив вазиятни башоратлаш тадбирлари мавжуд такомиллашган сугориш тизимларининг юқори фойдали иш коэффицентларига қарамасдан ўзини оқламади. Бу худудда шунингдек, сув-физикавий хоссалари ноқулай "оғир мелиорацияланувчи" деб аталадиган гипслашган, кучли шўрланган тупроқлар кенг тарқалган, ер ости сувларининг оқими таъминланмаган. Шу боис, минераллашган сизот сувлари сатҳини ер юзасига кўтарилиши ва тупроқда туз тўпланиши ва иккиламчи шўрланишни олдини олиш учун худуднинг зовурлашганлик даражаси ва тупроқ-заминларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда сув-туз тартиботларини мўътадиллаштириш усувларини ҳозирда такомиллаштириш зарурияти туғилади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, мазкур вилоятларда суғориладиган тупроқларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолатини ҳар томонлама батафсил ўрганиш ва объектив баҳолаш мақсадида 2017-2018 йиллар давомида Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги Бобур, фермер

хўжалигида кенг қамровли комплекс илмий тадқиқот ишлари бажарилиб, ўрганилган ҳудудлар тупроқ-мелиоратив ҳолатини акс эттирувчи ер ости сизот, суғориш ва коллектор-зовур сувларининг барча параметр кўрсаткичлари, кимёвий ва компонент таркиблари, тупроқ кесмасидаги умумий ва заҳарли (токсик) тузлар миқдори ва заҳиралари, шўрланиш даражаси ва типлари, сингдириш сифими ва сингдирилган асослар таркиби, гипслашганлик, шўртоблашганлик, ишқорийлашганлик даражалари, гидромелиоратив тизимлар ҳолати тўғрисидаги янги далилий маълумотлар олинди, ўрганилган ҳудудлар тупроқлар-мелиоратив ҳолатлари объектив баҳоланиб, уларни яхшилашга, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга қаратилган қатор тавсиялар мажмуаси ишлаб чиқилди.

Сизот, тупроқ ва ер усти сувлари тупроқда тузларнинг тўпланиши ва харакатланишида бир занжирнинг таркибий қисмлари хисобланади. Шунинг учун ҳам мелиоратив масалаларни ечишда уларни биргаликда кўриб чиқишга тўғри келади. Тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида сизот сувларининг аҳамияти айниқса, катта бўлиб, улар шўрланган тупроқларнинг тартиби ва шаклланишида ҳар томонлама таъсир кўрсатади, муайян бир шароитда тупроқдаги туз манбаи бўлиб хизмат қиласа, иккинчи бир шароитда эриган тузларни ўзида тўплаш ва ўз оқими билан бошқа ерларга кўчириш, қайта тақсимлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мирзачўл сугориладиган тупроқларининг туз тартиби кўпчилик ҳолатларда сизот сувлари тартиблари билан белгиланади. Ер ости сувларининг сатҳи ер юзасига қанча яқин жойлашса ва уларнинг минераллашганлик даражаси қанча юқори бўлса тупроқда туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланиш жараёнлари шунчалик тез ва шиддатли содир бўлади. Демак, ер ости сувларининг шундай бир назорат нуқтаси (чизиги) борки, қайсиким шу белгидан унинг пасайиши тупроқ ҳосил бўлиш, шу жумладан тупроқ шўрланишига таъсир кўрсатмайди ёки бу таъсир деярли нолга тенглашади ва бу нуқта сизот сувларининг "критик чуқурлиги" деб аталади.

Бу атама дастлаб Мирзачўл мелиоратив тажриба станциясида олиб борилган тадқиқот натижалари негизида М.М.Бушуев [10] томонидан таклиф этилган, кейинчалик адабиётларда [43, 28, 30] илмий атама сифатида қабул қилинган.

Тупроқда туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланиш жараёнларининг суръати нафақат ер ости сувларининг чуқурлиги, балки уларнинг минераллашганлик даражасига ҳам катта боғлиқ. Бу борадаги изланишлар натижасида О.А.Грабовская [13, 14] ва В.А.Ковда [27-30] сизот сувларининг "критик минерализацияси" тушунчасини олға сурғанлар. Бу тушунча ҳам мелиоратив тупроқшунослиқда мустаҳкам ўрин эгаллаб, лойиха хужжатларида кенг фойдаланилган.

В.Р.Волобуев [12], Н.Г.Минашина [37, 38] лар кўп йиллик тупроқ тадқиқот малумотларини умумлаштириб ва атрофлича таҳлил қилиб, ўсимликларнинг (пахта) вегетация даври учун энг мақбул ўртacha критик чуқурлик 2,5 метр бўлишини таъкидлаганлар. Мирзачўлнинг суғориладиган пахтачилик худудларида сизот сувларининг критик чуқурлиги ҳудуднинг турли геоморфологик районларида тупроқ-заминларининг капиллярлик қобилиятига [49], механик таркибига [31], сизот сувларининг минераллашганлик даражасига [4, 14, 33, 9, 34, 35, 38, 5, 50-55] боғлиқ равишда 2,5-3,0 м. атрофида тебраниб туради, айрим жойларда 3-4 метрни ташкил этади [34], [40-42, 56-68].

Хулоса қилиб айтганда, сизот сувларининг минераллашув даражаси 3-8 г/л ни ташкил этадиган Мирзачўлнинг эскидан суғориладиган худудси ерларининг асосий қисмида критик чуқурлик 2,5 метрдан 2,7-2,9 метргача бўлган оралиқда таъминланиб турилиши зарур [21, 22]. Тупроқдаги сув ва туз режимларини талаб даражасида таъминлаш, сизот сувларининг оптималь (мақбул) чуқурлиги, суғориш тартиблари ва зовурлар параметрлари масалаларини бирлиқда бир бутун деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, ер ости сизот сувлари 0-2 метр чуқурлиқда жойлашган бўлса, ботқоқланиш жараёни натижасида тупроқда темир, марганец ва бошқа элементларининг закисли бирикмалари ҳосил

бўлиб, ўсимликларнинг меъёрий ўсиб ривожланишига салбий таъсир кўрсатса, чуқурлик 3-4 метр бўлганда автоморф жараённинг кучайиши оқибатида тупроқда сув тартиботи бузилади, суғориш оралиқларида тез-тез илдиз қатламларининг қуриб қолиши содир бўлади. Агар, сизот сувларининг сатҳи 2-3 метр оралиғида жойлашса ва улар чучук ёки кучсиз минераллашган бўлса тупроқда биологик жараёнлар нақадар жадал ва мўътадил меъёрда содир бўлиб, муайян агротехник тадбирлар қўллаш орқали экинларнинг энг юқори ҳосилдорлигини таъминловчи юқори унумдор бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлар шаклланишига шароит яратилади.

Сирдарё вилоятининг гидрогеологик шароитлари ҳозирги кунда ўта мураккаб бўлиб, бу мураккаблик худуднинг литологик-геоморфологик тузилиши ва сунъий суғориш билан боғлиқ ерлардан фойдаланишнинг сифати ва ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Ўрганилган худудда ер ости сувларининг асосий манбалари бўлиб каналлар, турли йўсингдаги суғориш тармоқлари ва суғориладиган далалардан фильтрланиб ўтаётган сувлар, шунингдек, Туркистон ва Нурота тоғ тизмаларидан оқиб келаётган ер ости сувлари манбалари хисобланади ва улар ер ости сувлари балансида етакчи ўринни эгаллайди. Сизот сувларининг сарфланиш баланс қисмида эса асосий ўринни буғланиш ва транспирация жараёнлари эгаллагани ҳолда ер ости сувларининг оқими кичик кўрсаткичларни ташкил этади.

Табиий ва сунъий кучсиз зовурлашган Мирзачўл шароитида кўп йиллар давомида юқори меъёрларда суғориш, кўп микдордаги фильтрланаётган суғориш сувлари билан ер ости сизот сувларининг кўшилиб, бирлашиб кетишига, натижада эса сизот сувларининг ер юзасига кескин қўтарилишига имкон яратмоқда. Бу жараён суғориладиган тупроқларда жадал туз тўпланишига, ўз навбатида умумий ноқулай мелиоратив ҳолатга олиб келмоқда. Ҳозирги пайтда ер ости сувларининг сатҳи янгидан суғориладиган худуднинг асосий майдонларида ва эскидан суғориладиган худуднинг кучсиз зовурлашган қисмида турғун мавсумий таснифга эга бўлиб, вегетация даври тугагач, бу худудлар учун хос бўлган

чуқурлик 2,5-3,2 метргача пасайса, вегетация даврида 0,5-2,0 метргача күтарилади, мавсумий тебраниш амплитудаси йил давомида 1,0-1,5 метрни ташкил этади.

Юқоридаги адабиётлар шарҳидан кўриниб турибдики Сирдарлё вилоятининг Оқолтин тумани Бобур СИУ худуди тупроқларининг сув-туз ҳолати батафсил ўрганилмаган, шу сабабли биз битирув малакавий ишида ушбу ҳудудда тарқалган сугориладиган ўтлоқи тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини ўрганишни мақсад қилиб қўйганмиз. Тупроқ унумдорлигини аниқловчи хоссаларидан унинг механик таркиби, структура ҳолати, сув-физик, иссиқлик, агрокимёвий хоссалари, гумус ва минерал моддалар турли тузлар микдори, биологик фаоллиги ва сув ўтказувчанлиги ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган тупроқ мақбул хоссалари мавжуд бўлганда ўсимлик ҳаёти учун зарур моддалардан самарали фойдаланади ва юқори ҳосил беради. Бундан ташқари тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи сабабларини ва уни чегараловчи омилларни билиш зарур. Сувда эрувчи тузлар микдорини кўпайиши, лой зарраларини ошиши, тупроқ зичлиги, иссиқлик ва сув етишмаслиги, минерал моддаларнинг микдорини камлиги, сугориш микдорини ошиши, ҳаво етишмаслиги рельефдаги кескин қияликлар бўлиши, тупроқларни фтор, нитрат, пестицид, оғир металлар, радиактив элементлар ва ҳоказолар билан ифлосланиши чегараловчи омилларга мансубдир. Шу билан биргаликда, тупроқ унумдорлигини камайишига йўл қўймаслик, доимо тупроқ унумдорлигини ошириб бориш дехқончилик ва тупроқшунослик мутахасисларининг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган омилларни илмий асосланган ўзгаришини доимо назоратда ушлаб туриш ва бу омилларнинг бир-бирига боғлиқ таъсирининг мақбул ҳолатини таъминловчи технологиялар ишлаб чиқиши зарур. Бунинг учун энг яхши технологиялардан фойдаланишини талаб этилади, илмий текшириш ишларини чет эл олимлари билан биргаликда олиб бориши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда чет мамлакатлар инвестициялари ва ҳоказолардан фойдаланиш зарур.

Кўпгина етакчи ва чет эл олимларининг илмий изланишларидан тупроқ юзасини жорий текислаш натижасида унинг хосса хусусиятлари ва мелиоратив ҳолати яхшиланиши таъкидланади. Кейинги йиллардаги илмий изланишлар кўрсатишича жорий текислаш учун лазер нуридан фойдаланиб яратилган механизмлардан фойдаланиш кенг жорий қилинмоқда. Бу айниқса Японияда кенг жорий қилинган бўлиб, хаттоқи ҳайдов ости қатламлари ҳам лазер нури ёрдамида жорий текисланади. Бизнинг республикамизда ҳам лазер нури ёрдамида жорий текислаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти (2018) олимлари томонидан ҳамда ИКАРДО ташкилотининг Ўрта Осиё бўлими ходимлари томонидан Хоразм вилояти суғориладиган тупроқларида лазерли жорий текислаш ишлари амалга оширилмоқда [33, 53] Юқорида изоҳланганлардан кўриниб турибтики республикамизда лазерли жорий текислаш илмий ишлари энди бошланганлиги туфайли тупроқ унумдорлигига қай даражада таъсир қилиши хақида умуман маълумот йўқлиги сабабли биз диссертация дастурида ушбу масалани ечимини ечишни режалаштиromoқдамиз.

## **II БОБ. ИЗЛАНИШ ОЛИБ БОРИЛГАН ҲУДУДНИНГ ТУПРОҚ-ИКЛІМ ШАРОИТЛАРИ**


### **2.1. Географик ўрни ва худуд тұғрисидаги умумий маълумотлар**

Мирзачұл, Сангзор ва Зомин каби йирик дарёлар ва Туркистан тог тизимасининг шимолий ён бағирлардан оқиб тушадиган доимий ва мавсумий кичик дарё ва сойларнинг ёйилмаларидан ҳосил бўлган тог олди текисликлардан иборат.

Маъмурий бўлининши таркибига Ўзбекистон Республикасининг Сирдарё вилояти ва Жиззах вилоятининг бир қисми, қисман Тоҷикистон Республикаси Хўжанд вилоятининг Зафаробод тумани киради. Мирзачұл шимолидан Жанубий Мирзачұл канали (ЖМК), жанубидан Туркистан тог тизимаси, ғарбидан Қўйтош, Балиқлитоғ ва Писталитоғ тоғ кияликлари, шунингдек, шарқидан эса Ховос темир йўл станцияси билан чегарадош худуд ҳисобланади.

Худуднинг жанубий қисми денгиз сатхидан 500-690 м., шимолий қисми эса 310-315 м. баландликда бўлиб, унинг ер юзаси нишаблиги 0,005-0,008<sup>0</sup> дан иборат. Юқорида қайд этилган маъмурий чегара доирасида Мирзачұл 314 минг гектар ёки 3,14 минг километр майдонни ташкил этади.

Умумий ер майдони жиҳатидан Мирзачұл худуди 1 млн. гектарни ташкил этгани ҳолда, сугориладиган ер майдонлари 800 минг гектар атрофида, шундан 285 минг гектари «Дўстлик магистрал каналидан» (олдинги Киров номли) сугорилади. Бу худуд Мирзачұлнинг эски ўзлаштирилган худудга киради. 300 минг гектардан ортиқроқ ер майдонлари эса Жанубий Мирзачұл каналидан сугорилиб Мирзачұлнинг янги ўзлаштирилган худуди деб юритилади. Мазкур каналлар ўртасидаги чегара бўлиб Марказий Мирзачұл коллектори хизмат қиласи (2.1-расм).



**2.1-расм. Сирдарё вилоятининг географик жойлашиш ўрни, ўзлаштириш ва суғориш схэмаси**

## 2.2. Геомофологик ва геологик тузилиши

Мирзачўл воҳаси рельефи ва геологик-литологик тузилиши бўйича типик тоғолди текислиги ҳисобланиб, унинг гарбий қисми Санѓзор дарёсининг конус ёйилмаси аллювиал-проллювиал ясси текислигидан, ўрта қисми-Ломакино платосининг бироз қўтарилиган проллювиал тўлқинсимон текислигидан, шарқий қисми - Зомин дарёсининг конус ёйилмаси аллювиал-проллювиал текислигидан, Хўжамушкентсой ва Ховоссој конус ёйилмасининг деллювиал-проллювиал тоғолди текислигидан иборат.

Ломакино платосининг жанубий қисми қалин қатламли шағаллар (86-100 м.) уларни устини қалин бўлмаган (5 м. гача) қумлоқ тупроқлар қопланган. Уларнинг ўрта қисми қалинрок 25 см гача қумлоқ тупроқлар

билин қопланган, уларнинг остида қалин қатlamли шағал, қумлар, қумоқ ва қумлоқ тупроқларини умумий қалинлиги 80 м ни ташкил этади. Сангзор дарёси конус ёйилмасининг қуий қисми кўп қатlamли алмашиниб келадиган шағал ва қум аралашган қумлоқ литологик тузилишига эга.

Х.Т.Тулаганов [52] маълумотларига кўра, конус ёйилмалари бошланғич қисмларида фильтрацияланиш коэффициенти суткасига 50-100 м\сек. ни, ўрта қисмларида 5-35 м/сек. ни қуий қисмидаги 2-8 м/сек. ни ташкил этади.

Мирзачўл воҳасини Х.Т.Тулаганов [52] томонидан ҳудуднинг паст баландликлар бўлиниш даражасини, ёғингарчилик миқдорини ва ер юзасининг абсолют баландликларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги геоморфологик районларга ажратилган:

- Тоғолди яссиланган делювиал-проллювиал текислиги (Туркистон тизимасининг тоғолди шлейфи);
- Конуслар оралиғи паст камлиги делювиал-проллювиал текислиги;
- Зомин дарёси конус ёйилмасининг ўрта қисми;
- Ломакино платоси текислиги проллювиал тўлқинсимон баландлиги;
- Конус ёйилмасининг қўшиладиган текислиги;
- Сангзор дарёсининг ҳозирги конус ёйилмаси;
- Сангзор дарёсининг қадимий конус ёйилмалари;
- қўйтош тоғолди шлейфи;
- Тоғ оралиғидаги проллювиал яssi текислик;
- Пшагарсой, Роватсой, Ачисой, Хўжамушкентсой, Жолайирсой конус ёйилмалари ва ҳ.к.

## **2.3. Гидрогеологик шароитлари**

Н.Н.Хожибоев [57] ва Х.Т.Тулаганов [52], М.Н.Решеткина [45], А.С.Хасанов [56] илмий асарларида, шунингдек «Средазгипроводхлопок» институти лойиха-тадқиқот тўпламларида ҳамда «Ўзбекгидрогеология» бирлашмаси доимий кузатув маълумотларида Мирзачўл воҳаси гидрологик шароитлари тўғрисида кенг ва батафсил ёритилган.

Худуд рельефининг ўзига хослиги ва геоморфологик жойлашиши, ер юзасининг абсолют баландликлари ва тупроқ сизотларининг литологик тузилиши, хилма-хиллигига қараб гидрологик шароитлари ҳам ўта ранг-барангдир.

Ўзида сув ушлаб турувчи жинсларининг литологик тузилиши, фильтрацион хоссалари, сизот сувларининг тўйиниб туриши ва сарф булиши, уларнинг даражалари чукурлиги ва минераллашганлик таснифига кўра Мирзачўл воҳасини табиий шароитида учта гидрологик ҳудудга (А, Б, В) ажратиш мумкин.

А – Сизот сувларининг доимий жадал сув алмасиш ҳудуди. Бу худуд конус ёйилмаларининг энг юқори қисмларини ва Туркистон тоғ тизмаси тоғ олди текисликлари ва Кўйтош тоғларини қамраб олиб, гидрологик-мелиоратив жиҳатидан табиий-жадал дренажлашган чучук ва кучсиз минераллашган сизот сувлари чукур турғун жойлашган ерларни ўз ичига олади. Сизот сувлари йирик ётқизиқлар (шағал, тош) 15-20 м. ва ундан чуқурлиқда жойлашган, минераллашганлиги 1-3 г/л. атрофида ҳамда ер ости оқими ҳаракати яхши таъминланган.

Б - Конус ёйилмаларининг ўрта қисмларини, Ломакино платосининг жанубий қисми ва Туркистон тоғ тизмаси тоғ олди текислигининг қуий қисми ва худуднинг шарқий қисмини қамраб оловчи транзит ва босим ҳосил қилувчи ҳудуд. Бу худуд сизот сувлари шағал, қум, қумоқ ва қумлоқ ҳамда улар бир-бирлари билан аралашиб кетган ётқизиқлар оралиғида жойлашган. Сизот сувларининг чуқурлиги бу худудда 3-5, 5-10 м., минераллашганлик даражаси 3-10 г/л ни ташкил этади.

В – Сизот сувларининг тарқалиши ва ер устига сизиб чиқиши худуди. Айрим манбааларда бу худуд саз шўрҳокли худуд ҳам деб аталади. Бу худуд конус ёйилмалари қуи қисми проллювиал текисликлардан, Ломакино платоси шимолий қисмидан ҳамда Санзор дарёси қадимги конус ёйилмасидан иборат майдонларни ўз ичига олган бўлиб, сизот сувлари асосан қумлоқ, қумоқ ётқизиқларда, 3 м чукурликда жойлашган. Бу худуд сизот сувларининг минераллашганлиги жуда юқори, яъни 10-20, 20-50 г/л. ни, айрим жойларда ундан ҳам қўпроқни ташкил қиласади.

Мирзачўл сизот сувларининг тартиби энг аввало литологик, геоморфологик, иқлиний ва ирригацион омиллар билан белгиланиб қолмай, унга гидрогеологик, гидромелиоратив каби омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Бу омилларнинг ўзаро бирлашишидан муайян ҳудудларда сизот сувларининг у ёки бу тартиблари ҳосил бўлади.

Мисол учун Жанубий Мирзачўл каналининг қурилиши (1961 йил қурилган) Мирзачўл ерларига оқиб ўтувчи ер ости сувларининг йўлига гидравлик тўсиқ бўлишига олиб келди. Натижада Мирзачўлга ҳаракатланувчи ер ости сувларининг оқими 0,45 м/сек. га камаяди, яъни 1954 йилгача 1,50 м/сек. дан 1,05 м/сек. га тушиб қолган. Ер ости сувларининг кирим ва чиқим қисмларининг 0,45 м/сек. хажмдаги миқдорий нисбати Мирзачўлда бу сувлар захираларининг даврий кўпайиб бораётганидан далолат беради. Ҳудудда сизот сувлари яқин (0-3 м.) жойлашган майдонларнинг ортиб бориши буни яна бир исботидир. Бунга яна мисол қилиб Н.Н.Хожибоев, М.С.Алимовларнинг [57] маълумотларини келтириш мумкин, яъни шундай майдонлар 1966 йилда Мирзачўлда 30% ни ташкил қиласа, 1970 йилга келиб 60% га етган.

## **2.4. Иқлими**

Мирзачўл худуди иқлим шароитларига кўра, ярим чўл минтақаси континентал субтропик иқлим гуруҳига киради, иқлиминг кескин котиненталлиги ва ниҳоятда қуруқлиги билан ажралиб туради. Воҳада ҳаво ҳарорат режими, худуд географик ўрнининг ўзига хослиги, шарқ ва жанубдан тоғ тизмалари билан ўраб олинганлиги, ғарб ва шимолий-ғарбда очиқ кенгликлари билан ажралиб туради. Мазкур худудда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, уларни етиштириш технологиялари, муддатлари, шунингдек тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларининг йўналишини белгиловчи асосий иқлим қўрсаткичларини тавсифлашда Ўзбекистон гидрометеорология хизмати марказининг кузатув метеостанциялари бўйича ва “Сирдарё” ва “Янгиер” метеостанцияларидан охирги (2013-2015ий) йилларда олинган маълумотлардан фойдаланилди (2.1.1-2.1.2-жадваллар).

Сирдарё вилоятининг худуди ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши мўътадил, шунингдек харакат катта тебранишга эга. Вилоятимизнинг ўртача йиллик ҳаво ҳарорати  $+12,9^0$ - $14,9^0\text{C}$  атрофига. ҳароратнинг энг юқори қўрсаткичи июн-июл ойларида бўлиб, у  $+25,4^0$  +  $29,4^0\text{C}$  га, энг совуқ қўрсаткич эса декабр, январ ойларида бўлиб,  $1,8^0$ -  $0,1^0\text{C}$  атрофидадир, қишида ҳароратнинг пасайиб кетиши Фарғона водийсидан ва шимолий совуқ ҳаво оқимларини кириб келиши билан боғлиқдир. Тупроқ ҳарорати (ҳайдов қатламида) қишида, январ ойида ўртача  $-2,0^0$  - $0,2^0\text{C}$  тупроқ юзаси музлайди, бу тупроқни шудгорлашда ва ювишда қийинчиликлар келтириб чиқаради. Совуқсиз кунлар давомийлиги 200-236 кундир. Биринчи совуқ ноябр ойларига охирги совуқ тушиши февралга тўғри келади (2.1.1-жадвал).

Сирдарё вилояти кучли шамол ҳаракатлари кесишган зонада жойлашган бўлиб, худудга шимолий ва шарқий (Бекобод шамоли) шамоллар таъсири кучли. Шамолни асосий қисми шарқдан кўпроқ эсади ва энг кўп май-июн ойларига тўғри келади. Шамолни тезлиги секундига 3,2м га етади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида тупроқ ҳарорат режими катта амалий аҳамиятга эга, тупроқ юзасининг ўртача йиллик ҳарорати  $17-18^0\text{C}$

**2.1.1-жадвал. Ҳудуднинг об-ҳаво ва иқлим шароитлари.**

Кўрсаткичлар	Ўртacha ойлик												
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Ўртacha йиллик
«Сирдарё» метеостанцияси													
Ҳаво ҳарорати, °C	-1,8	0,9	7,7	15,1	21,0	25,4	26,7	24,2	18,7	12,4	5,1	0,1	12,9
Ёғинлар, мм	41	40	59	50	27	6	2	1	1	24	33	40	324
Нисбий ҳаво намлиги, %	82	79	74	67	56	48	50	55	57	64	75	82	66
Ўртacha чангли бўронли кунлар	0,02	0,02	0,1	0,4	0,9	0,9	0,6	0,3	0,5	0,7	0,2	0,1	5
Тупроқ ҳарорати, °C	-2	1	9	18	26	33	35	31	23	14	5	0,4	16
«Янгиер» метеостанцияси													
Ҳаво ҳарорати, °C	-0,2	2,7	8,6	16,0	22,0	27,3	29,5	27,4	21,7	14,8	7,4	2,1	14,9
Ёғинлар, мм	37	42	63	59	34	9	3	1	3	24	32	33	340
Нисбий ҳаво намлиги, %	68	69	67	61	48	33	30	31	35	48	62	69	52
Ўртacha чангли бўронли кунлар	0,1	0,2	0,2	0,3	0,8	0,8	0,7	0,2	0,6	0,8	0,5	0,1	5
Тупроқ ҳарорати, °C	0,1	3	10	18	26	33	36	33	25	16	7	2	18

атрофида бўлиб, бу кўрсаткич ҳаво ҳароратидан  $2,5\text{-}3,0^{\circ}\text{C}$  юқори. Йиллик абсолют минимал тупроқ ҳарорати турлича кўрсаткичларда қайд этилган бўлиб, Янгиерда минус  $7\text{-}9^{\circ}\text{C}$ , Сирдарёда  $14\text{-}15^{\circ}\text{C}$ , абоют максимал ҳарорат  $65\text{-}70^{\circ}\text{C}$  кўрсаткичларда кузатилган.

Нисбий ҳаво намлиги баланд эмас, июн-август ойларида ҳаво энг кам намликка эга бўлади, йиллик ўртacha ҳаво намлиги эса 58-78% атрофида бўлиб, унинг юқори кўрсаткичлари (60-78%) Сирдарё дарёсига яқин ва сугориш тизимлари ривожланган ҳамда сизот сувлари яқин жойлашган худудларда, энг кам миқдори 50% Янгиер ва Ховос туманларида кузатилади. Нисбий намликнинг энг юқори кўрсаткичлари қиши ойларига (75-80%), энг кам кўрсаткичлари ёз ойларига (25-40%) тўғри келади, абсолют минимал кўрсаткичлари 14-25% ни ташкил этади. Ёз ойларида ҳаво ҳароратини кўтарилиши намликнинг кўпроқ буғланишга олиб келади, бу ўз навбатида атмосфера ёғинининг йиллик ўртacha меъёридан анча кўпdir. Табиатнинг бу кўриниши тупроқнинг шўрланишига ва экинларни сувга бўлган талабини ортишига олиб келади.

Йиллик ёғинларнинг ўртacha миқдори 324-340 мм, атмосфера ёғинларнинг бир суткадаги максимал миқдори 29,3-33,3 мм ни ташкил этади. Жумладан, ҳудудга тушаётган ёғиннинг йиллик умумий миқдорининг тахминан 40-42% баҳор, 25-34%-қиши, 15-20%-куз ойларига тўғри келади, энг қуруқ давр—ёз ойларига тўғри келади, ёғинлар миқдори 4-5 фоиздан ошмайди

## 2.5. Ўсимликлари ва инсон фаолияти

Мирзачўл воҳаси қишлоқ хўжалигида, яъни сугориладиган дехқончилик шароитида маданий ўсимликлардан - пахта, шоли, ғалла, маккажўхори, беда, кунгабоқар каби, полиз экинларидан - қовун, тарвуз, помидор, карам, бундан ташқари бир неча ўнлаб боғлар, узумзорлар ўзларининг ўсимлик қопламлари билан бошқа ўраб турган ерлардан воҳаларга хос такрорланмас ландшафти билан яққол ажралиб туради.

Мирзачўл воҳаси ўсимлик қопламасини М.Г. Попов, Н.И. Акжигитова, Е.П. Коровин, А.Н. Розонов, М.В. Культиасов, К.З. Зокиров, С.Н. Рижов, С.П. Сучков каби бошқа кўплаб олимлар ишларида батафсил ёритилган [2, 48, 20, 46, 47, 51].

Ўсимликлар қопламлари худуднинг гидрогеологик, геоморфологик, литологик ва тупроқ-иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда ўзига хос ва мосдир.

Мирзачўл текислигининг асосий қисми ва Сирдарёning I-II-III террасаларида тарқалган ўсимликлар чала-чўл ўсимликлари ҳисобланади. Бу худудда ажриқ, қораажриқ, шувоқ, қизилмия, янтоқ, ярим бута ўсимликлардан - ёввойи жийда, жинғил, ботқоқ ўсимликлардан эса асосан қамиш каби кўплаб ўт-ўсимликлари учрайди. Табиий шароитда вегетация муддати қисқа бўлган баҳорда ўсиб ёз вақтида ўсиш ривожланиш фаолияти тўхтайдиган эфемер-эфемероидлар оиласига мансуб ўсимликлар ўсади. Ҳозирги вақтда ўрганилаётган ҳудуд суғориладиган ерларида асосан пахта, буғдой, маккажўҳори, беда каби алмашлаб экиладиган техника экинлари етиштирилади.

Мирзачўл воҳаси табиатига асосан инсон фаолиятининг таъсири кучайиши оқибатида, яъни енгил саноатнинг ривожланиши-пахтага бўлган эҳтиёжларни ортиши билан боғлиқ деб айтиш мумкин. Бу борада каналлар, суғориш ва коллектор-зовур тармоқлари қурилиши кенг қулоч ёзиб худудни техник қайта шаклланишига олиб келиши билан бирга, маълум даражада табиий ландшафт компонентлари билан алоқадорликни бузди ва тупроқ қатламлари ва ўсимликлар дунёсини ҳимоя қилиш муаммосини келтириб чиқарди.

Суғориладиган ерларни қулай мелиоратив ҳолатда ушлаб туриш учун бир неча ўн минг километрли хўжаликлар ички ва хўжаликлараро коллектор-зовур тармоқлари қурилди. Бироқ гидротехник иншоотларнинг мукаммал эмаслиги, кўпинча улардан фойдаланиш даражасининг пастлиги ва керакли илмий-асосланган суғориш ва шўр ювиш тизимларининг йўқлиги суғориладиган худудларда табиий шароитларнинг ўзгаришига, ер ости сувларининг кўтарилишига сабаб бўлди.

Мунтазам суғоришлар натижасида янги типдаги гидроморф тупроқлар ривожланишининг жадаллашуви туфайли, органик ва минерал ўғитлардан ҳам мунтазам равишда ерларга қўллаш оқибатида олдинги табиий ҳолдаги тупроқлардан ўз хоссалари билан фарқ қилувчи янги тупроқлар шакллана борди. Пировард натижада эса, шўрланиш жараёнлари содир бўлиб, унинг эволюцияси тезлашди, тупроқ структураси ўзгаришига олиб келди.

## **2.6. Тупроқлари**

Табиий шароитда асосий тарқалган тупроқлари бўз- ўтлоқи тупроқлар ҳисобланади. Суғориладиган майдонларда ер ости сувларининг кўтарилиши натижасида гидроморф тупроқлар пайдо булган. Бу тупроқлар суғориш муддати давомийлигига кўра янгидан ўзлаштирилган, янгидан суғориладиган, қадимдан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар типига мансуб бўлиб, ер ости суви яқин жойлашган шароитда ўтлоқи аллювиал, чуқурроқ жойлашганда бўз-ўтлоқи ўтлоқи тупроқлар фарқлари учрайди [1, 16].

Ҳозирги шароитда Сирдарё вилояти худудидаги тупроқ типлари асосан 2 хил тупроқдан, яъни бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлардан тарқалган. Бу тупроқлар ўзлаштирилиш муддатига боғлиқ ҳолда фарқланади. Янгидан ўзлаштирилган, янгидан суғориладиган ва қадимдан суғориладиган. Бундан ташқари булар ҳам ўз навбатида тупроқ шўрланганлик даражасига ва механик таркибига боғлиқ ҳолда бири-биридан фарқланади [3, 8, 17, 24].

Ушбу малакавий битирув ишида ўрганилган суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар геоморфологик тузилиши жиҳатидан шимолий-ғарбга томон ястаниб ётган кенг тўлқинсимон қияликка эга бўлган Марказий Мирзачўл текислигини ўз ичига олиб, қадимги сойларнинг конус ёйилмалари билан делювиал-пролювиал ётқизиклардан иборат.

## **III БОБ. ТАДҚИҚОТЛАР ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБИ**


Ушбу малакавий битириув ишининг **тадқиқот объекти** – Сирдарё вилояти Оқолтин тумани Бобур СИУ худудида тарқалган сүфориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар ҳисобланади.

**Тадқиқотлар услуби.** Худуд тупроқ-мелиоратив шароитларини ўрганиш тадқиқот ишлари Тупроқшунослик ва агрокимё институти илмий ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган дала, лаборатория ишлари таркибида бажарилди. Дала тадқиқотлари даврида қўйилган асосий тупроқ кесмалари генетик қатламларидан кимёвий таҳлиллар учун тупроқ ва сизот сувлари, бундан ташқари тупроқнинг мелиоратив ҳолатини белгиловчи сугориш ҳамда, коллектор-зовур сувларидан ҳам намуналар олинди.

Амалиётда умум қабул қилинган услублар ва қўлланмалар асосида ўрганилган худуд тупроқларининг айрим физик ва сув-физикавий хоссалари ва мелиоратив ҳолатлари аниқланди.

Дала шароитида қўйилган кесмаларнинг тупроқ кесмаси морфологик тузилишини (кўринишини) дала кундалик дафтарида батафсил қайд қилинди. Тажриба участкаларида кесмалар олиниб, улар морфологик таснифи ўрганиди, генетик қатламлардан тупроқ намуналари олиниб лаборатория шароитида таҳлил қилиди. Дала ва лаборатория шароитида кесмаларда қуйидаги аниқлашлар амалга оширилади: тупроқлар ҳажм ва солиширма оғирлиги 50 см гача ҳар 10 см да сув ўтказувчанлиги, механик ва микроагрегат таркиби, сувли сўрим, CO<sub>2</sub> карбонатлар миқдори, сингдириш сифими, азот, фосфор, калий ялпи ва ҳаракатчан миқдорлари, чиринди ва гипс миқдорлари аниқлади.

Тупроқ намуналари лазерли текишлиш ўтказилган майдонлардан дала тажриба майдонларидан олинди. Тугоқ намуналари қуйидаги чукурликлар бўйича олинди; 0-10, 10-30, 30-50, 50-70, 70-100 см қатлам лардан олинди. Лазерли текислаш 1-расм кўрсатилган схема бўйича амалга оширилди. Лазерли текислашдан аввал тажриба майдонларининг топографик харитаси электрогн нивилир ёрдамида тузилади ундан кейин текислаш ишлари амалга оширилади (расм 1).



**Ерларни лазерли жорий текислашнинг схематик кўриниши 1-расм**

Лаборатория ишларида умум қабул қилинган услублар асосида [15, 25, 26, 6] қўйидаги таҳлиллар бажарилди:

1. Тупроқларнинг механик таркиби гексометафосфат ёрдамида пипетка усулида;
2. Тупроқдаги, сизот, суғориш, коллектор-зовур сувлари таркибидаги осон эрувчи тузларнинг миқдори I-типдаги сувли сўрим таҳлил ёрдамида. Бунда:
  - А) қуруқ қолдиқ-сўрим буғлатилиб, қуритилиб сўнгра тарозида тортиш усулида;
  - Б) Ишқорийлик-0,01 н  $H_2SO_4$  билан титрлаш усулида;
  - В) Cl-Мор тузи билан титрлаш усулида;
  - Г)  $SO_4$ -тортиш усулида;
  - Д) Са-трилон-Б тузи билан титрлаш усулида;
  - Е) Mg-трилон-Б тузи билан титрлаш усулида;
  - Ж) Na-анион ва катионлар йигиндининг фарқи бўйича.
3.  $SO_4$  гипс-0,2 н  $HCl$  билан қўйдириш усулида.
4.  $CO_2$  корбанатлар-ацидеметрик усулида.
5. Гумус-Тюрин усулида.
6. Ялпи азот-Кельдал усулида.
7. Ҳаракатчан азот-Тюрин ва Кононова усулида.

8. Ялпи фосфор-сульфат ва хлорид кислоталари аралашмасида кейинчалик ФЭК аппаратида.
9. Алмашинувчи калий-1% ли углеаммоний эритмаси ёрдамида, кейинчалик ФЭКда.
10. Сингдирилган асослар таркиби-Пфеффера усулида. Бунда: а)  $\text{Ca}^{++}$  ва  $\text{Mg}^{++}$  Шмуқ усулида сиқиб чиқариш, кейинчалик алангали фотометрда; б)  $\text{K}^+$  ва  $\text{Na}^+$ -алангали фотометрда.

Лаборатория шароитида таҳлил қилинган барча тупроқ ва сув намуналарида шўрланиш даражаси, типи ва сифат таркиблари, тупроқнинг 0-30, 30-50, 50-100, 100-200, 0-50, 0-100, 0-200 см. ли қатламлари учун сувда осон эрувчи ва заҳарли тузларнинг умумий миқдорлари ва заҳиралари аниқланди.

Н.А.Качинский классификацияси бўйича [23] тупроқларни механик таркибини аниқлаш амалга оширилди.

Тупроқ шўрланганлик даражасини аниқлашда, шўрланиш типлари ҳисобга олинган [11] қуйидаги классификация қабул қилинди (3.1-жадвал).

### **3.1-жадвал. Тупроқ шўрланиш типларига қараб шўрланиш даражасини аниқлаш классификацияси**

Шўрланиш даражаси	Сульфа тли	Хлорид- сульфатли		Сульфат-хлоридли		Хлорид ли
	куруқ қолдик	куруқ қолдик	Cl	куруқ қолдик	Cl	Cl
Шўрланмаган	<0,3	<0,1	<0,01	<0,01	<0,01	<0,01
Кучсиз шўрланган	0,3-1,0	0,1-0,3	0,01-0,05	0,1-0,3	0,01-0,04	0,01- 0,03
Ўртacha шўрланган	1,0-2,0	0,3-1,0	0,05-0,2	0,3-0,6	0,04-0,2	0,03-0,1
Кучли шўрланган	2,0-3,0	1,0-2,0	0,2-0,3	0,6-1,0	0,2-0,3	0,1-0,2
Жуда кучли шўр ланган (шўрхок)	>3,0	>2,0	>0,3	>1,0	>0,3	>0,2

Тупроқ кесмасида тузли қатламларнинг жойлашиш ўрнига қараб ажратиш қуйидаги классификация ёрдамида амалга оширилди [7] (3.2-жадвал).

**3.2-жадвал. Тузли қатламлар чуқурлигининг юқори чегараси бўйича гурухларга бўлиниши**

№	Тупроқ номлари	Тузли қатламлар чуқурлигининг юқори чегараси, см
1.	шўрҳокли ва шўрҳок	0-30
2.	юқори шўрҳоксимон	30-50
3.	шўрҳоксимон	50-100
4.	чуқур шўрҳоксимон	100-150
5.	чуқур шўрланган	150-200
6.	шўрланмаган	>200

Тупроқнинг устки 0-1 метрли қатламидаги умумий тузларнинг миқдор ва сифат жиҳатларидан баҳолашда О.К.Комилов ва А.У.Ахмедовлар [18, 19] томонидан ишлаб чиқилган классификациядан фойдаланилди. (3.3.-жадвал).

**3.3-жадвал. Тупроқ шўрланганлик даражасини тузларнинг умумий заҳираси бўйича баҳолаш классификацияси**

Шўрланиш даражаси	Туз заҳиралари, т/га	қуруқ қолдиқ бўйича тузлар миқдори, %	Миқдорий кўрсаткичлар (баҳо)
шўрланмаган	0-50	0,0-0,35	жуда паст
кучсиз шўрланган	50-100	0,35-0,70	Паст
ўртача шўрланган	100-150	0,70-1,05	Ўртача
ўртача шўрланган	150-200	1,05-1,40	Баланд
кучли шўрланган	200-250	1,40-1,75	Юқори
кучли шўрланган	250-300	1,75-2,10	жуда юқори
шўрҳок	>300	>2,10	ўта юқори

Тупроқ шўрланганлик даражасининг (0-1 м. ли қатлами учун) заҳарли тузлар заҳирасини А.У.Ахмедов ва М.И.Рўзметовларнинг [8] ишлаб чиқкан классификациясидан фойдаланган ҳолда аниқланди (3.4-жадвал).

### 3.4-жадвал. Тупроқ шүрланганлик даражасини заҳарли тузлар заҳиралари

#### бўйича баҳолаш шкаласи

Шўрланиш даражаси	Заҳарли тузлар заҳираси, т/га	Қуруқ қолдиқ бўйи ча тузлар миқдори, %	Миқдорий кўрса ткич (баҳо)
шўрланмаган	<18	<0,13	жуда паст
кучсиз шўрланган	18-42	0,13-0,31	Паст
ўртача шўрланган	42-90	0,31-0,66	Ўртача
Кучли шўрланган	90-150	0,66-1,11	Юкори
шўрҳок	>150	>1,11	жуда юкори

Куйидаги шкала бўйича тупроқдаги гипс ( $\text{CaSO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ) миқдори аниқланди (3.5-жадвал).

### 3.5-жадвал. Гипслашганлик даражаси бўйича тупроқларнинг бўлиниши

Гипслашганлик даражаси	Гипс миқдори, %.
гипслашмаган	<10
кучсиз гипслашган	10-20
ўртача гипслашган	20-40
кучли гипслашган	>40

Сизот сувларининг минераллашганлик даражасини Приклонский классификациясига киритилган ўзгаришлар асосида (10-50 г/л - иккига 10-25, 25-50 г/л ажратган ҳолда) тавсифланади (3.6-жадвал).

### 3.6-жадвал. Сизот сувларининг минераллашганлик даражасини аниқлаш классификацияси

N	Минераллашганлик даражаси	қуруқ қолдиқ, г/л
1.	чучук жуда кучсиз минераллашган	0-1
2.		1-3
3.	кучсиз минераллашган	3-5
4.	ўртача минераллашган	5-10
5.	кучли минераллашган	10-25
6.	жуда кучли минераллашган	25-50
7.	намакоб	>50.

## **IV БОБ. ОҚОЛТИН ТУМАНИ БОБУР СИУ ҲУДУДИННИНГ АСОСИЙ ТУПРОҚЛАРИНИНГ СУВ-ТУЗ ХОЛАТИ ВА УНИ ЛАЗЕРЛИ ТЕКИСЛАШ ОРҚАЛИ БОШҚАРИШ**

Сизот, тупроқ ва ер усти сувлари тупроқда тузларнинг тўпланиши ва харакатланишида бир занжирнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мелиоратив масалаларни ечишда уларни биргаликда кўриб чиқишига тўғри келади. Тупроқ ҳосил бўлиш жараённида сизот сувларининг ахамияти айниқса, катта бўлиб, улар шўрланган тупроқларнинг тартиби ва шаклланишида ҳар томонлама таъсир кўрсатади, муайян бир шароитда тупроқдаги туз манбаи бўлиб хизмат қилса, иккинчи бир шароитда эриган тузларни ўзида тўплаш ва ўз оқими билан бошқа ерларга кўчириш, қайта тақсимлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мирзачўл вохасининг гидрогеологик шароитлари ҳозирги кунда ўта мураккаб бўлиб, бу мураккаблик ҳудуднинг литологик-геоморфологик тузилиши ва сунъий суғориш билан боғлиқ ерлардан фойдаланишнинг сифати ва ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Ўрганилган ҳудудларда ер ости сувларининг асосий манбалари бўлиб каналлар, турли йўсиндаги суғориш тармоқлари ва суғориладиган далалардан фильтрланиб ўтаётган сувлар, шунингдек, Туркистон ва Нурота тоғ тизмаларидан оқиб келаётган ер ости сувлари манбалари ҳисобланади ва улар ер ости сувлари балансида етакчи ўринни эгаллайди. Сизот сувларининг сарфланиш баланс қисмида эса асосий ўринни буғланиш ва транспирация жараёнлари эгаллагани ҳолда ер ости сувларининг оқими кичик кўрсаткичларни ташкил этади.

Табиий ва сунъий кучсиз зовурлашган Мирзачўл шароитида кўп йиллар давомида юқори меъёрларда суғориш, кўп микдордаги фильтрланаётган суғориш сувлари билан ер ости сизот сувларининг қўшилиб, бирлашиб кетишига, натижада эса сизот сувларининг ер юзасига кескин кўтарилишига имкон яратмоқда. Бу жараён суғориладиган тупроқларда жадал туз тўпланишига, ўз навбатида умумий ноқулай мелиоратив ҳолатга олиб келмоқда. Ҳозирги пайтда ер ости сувларининг сатҳи янгидан суғориладиган ҳудуднинг асосий майдонларида ва эскидан суғориладиган ҳудуднинг кучсиз зовурлашган қисмида турғун мавсумий таснифга эга бўлиб, вегетация даври тугагач, бу ҳудудлар учун хос бўлган чукурлик 2,5-3,2 метргача

**4.1 жадвал. Лазерли текисланган майдонлар ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги бўйича тебраниш оралиғи ва ўртacha арифметик кўrsаткичлари, см.**

Таянч нуқталари	2018 йил		2019 йил		2018 йил			2019 йил			2 йиллик ўртacha кўrsаткичи	
	сизот сувларининг тебраниш оралиғи				сизот сувлари чуқурлигининг ўртacha кўrsаткичлари							
	баҳор	куз	баҳор	куз	баҳор	куз	ўртacha	баҳор	куз	ўртacha		
1	165-320	240-310	150-280	280-320	248	295	271	227	300	264	267	
2	130-280	186-300	105-300	195-290	192	240	216	188	265	226	221	
3	103-310	220-280	160-250	210-270	201	242	222	202	250	226	224	
4	140-310	200-320	140-320	250-310	246	260	253	226	280	253	253	
Хўжалик бўйича	103-320	186-320	105-320	195-320	222	259	240	211	274	242	241	

пасайса, вегетация даврида 0,5-2,0 метргача күтарилади, мавсумий тебраниш амплитудаси йил давомида 1,0-1,5 метрни ташкил этади.

Ўрганилган худудлар ер ости сувлари сатхининг аниқлаш ва уларни кузатиш, мавсумлари бўйича турли чуқурликларда жойлашганлигини, деярли барча ҳолатларда худудларнинг асосий қисмида, уларнинг қайси геоморфологик районларга мансублигидан қатъий назар мақбул (критик) чуқурликдан анча юқори жойлашганлигини, ўз навбатида тупроқ ҳосил бўлиши ва тупроқ шўрланиши жараёнларида фаол иштирок этаётганлигини кўрсатди (4.1-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлилига кўра тадқиқот йиллари уларнинг қиёсий кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар деярли кузатилмагани ҳолда, сизот сувлари сатхининг мавсумий кўрсаткичлари кенг оралиқда тебраниб, Таянч хўжаликларида 221-267 см ни, уларнинг икки йиллик ўртacha арифметик кўрсаткичлари эса хўжалик бўйича 241 см. ни ташкил этади.

Агар 2018 йилда ер ости сувларининг ўртacha чуқурлиги хўжаликда 240 см. ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб лазерли текислашдан кейин, улар сатҳи 242 см. кўрсаткичларида кузатилди. Бундай сезиларли тафовут суғориладиган ерларида ер ости сувларига тушадиган сувлар миқдорини камйганлигидан далолат беради.

Сизот сувларининг ўртacha арифметик кўрсаткичлари бўйича энг яқин сатҳи 2-3 нуқталарида (221-224 см) кузатилди (4-жадвал). Шуни таъкидлаш жоизки, сизот сувларининг ер юзасига яқин жойлашиши мазкур хўжалик ерларида баҳорги дала ишларининг ўтказилишини қийинлаштиради, тупроқ етилишини кечикитиради, чигит экиш муддатлари чўзилади, ўз навбатида паҳтанинг пишиб етилиш даври орқага суриласди, ниҳоят ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади.

## **4.1. Сизот сувларининг минераллашганлигига лазерли текисалшни таъсири**

Сизот сувлари одатда, минерал ва органик моддалар ҳамда коллоидларни ўзида мужассамлаштиргани ҳолда ундаги эриган моддалар микдори граммнинг маълум бир улушидан 200-250 г/л гача ва ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин. Сизот сувларидаги тузлар таркибига силикатлар, карбонатлар, бикарбонатлар, хлоридлар, сульфатлар, нитратлар, ишқорлар ва ишқорий ер элементлари киради, шунингдек, уларда кремний, темир, алюминий гидратлари ва гумин кислотасининг сувда эрувчи шакллари мавжуд. Сизот сувлари минераллашувининг шаклланишида уларнинг тўлдириб, озиқлантириб турувчи манбаларнинг дастлабки (табиий) шўрланганлик даражаси, сув ушловчи жинслардаги тузлар микдори ва аэрация ҳудудсидан-тупроқнинг устки қатламларидан тушиб қўшилаётган эриган тузларнинг таъсири ниҳоятда катта. Ер ости сувларидаги туз тўпланиш кўрсаткичларида буғланиш ва транспирация жараёнлари асосий ўринни эгаллайди.

Йилнинг қуруқ пайтлари, айниқса жазирама иссиқ ёз ойларида сизот сувлари тупроқ қатламлари орқали буғланганда устки сув ушловчи қатламларда ва тупроқ юзасида тузлар сақланиб қолади. Кейинчалик қишибаҳор даврларида сувда осон эрувчи бу тузлар атмосфера ёғинлари таъсирида эриб тупроқнинг энг пастки қатламларигача, сизот сувларигача етиб боради. Мавсумий буғланиш жараёнларининг кўп йиллар давомида такрорланиши натижасида тузларнинг устки қатламларда тўпланиши ва ёғингарчиликлар таъсирида эритма ва тузлар кўринишида сизот сувларигача етиб бориши улар (сизот сувлари) минераллашиши аста-секин ортиб боришига сабаб бўлади. Йиллик ўртacha ҳаво (тупроқ) ҳарорати қанча юқори бўлса, умумий буғланиш микдори ва ер ости сувлари минераллашиши шунчалик юқори бўлади, шу боис, барча суғориладиган ҳудудларда уларнинг сатҳини катта чуқурликларда ушлаб туриш зарурияти туғилади.

Олинган кўп сонли аналитик маълумотларнинг таҳлили сизот

сувларини турли даражада шўрланганлигини ва ўрганилган туманлар худудида кучсиз минераллашган ( $2,1\text{ г/l}$ ) сувлардан кучли концентрациялашган ( $24,0 \text{ г/l}$ ) сувларгача учрашини, шу жумладан, бу кўрсаткичлар хўжаликдда  $2,10$  дан  $14,1 \text{ г/l}$  гача, тебраниб туришини кўрсатди (4.1.1-жадвал). 2018 йилда сизот сувларининг ўртacha минерализацияси хўжаликда  $7,11$ , 2019 йилда- $7,25 \text{ г/l}$  ни, мос равишида  $7,18$  ва  $8,43 \text{ г/l}$  ни ташкил этади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам сизот сувлари минераллашганлиги 2010 йилга келиб қисман ошганлиги ва бу кўрсаткич хўжаликда  $0,59, \text{ г/l}$ ни ташкил этганлиги кузатилади.

Сирдарлё вилояти Оқолтин тумани БобурСИУ худудининг суғориладиган ерлари сизот сувларининг шўрланганлик даражаси ва кимёвий таркибларига кўра "Классик" худудлар ҳисобланади. Бу вилоятлар худудида шўрланмаган ( $<1 \text{ г/l}$ ), сувлардан кучли шўрланган ( $10-25 \text{ г/l}$ ), шўрҳокли ерларда эса ўткир намокобларгача ( $>50 \text{ г/l}$ ), шўрланиш типларига (химизмига) кўра сульфатли типлардан сульфат-хлоридли типларгача бўлган сизот сувларини учратиш мумкин.

Сизот сувларининг тузлар таркиби ва шўрланиш типлари уларнинг минералланиш даражасига боғлиқ ҳолда ўзгаришини умумий қонуниятлари деярли сақланиб қолса-да, кўпгина худуд сизот сувларида бу қонуниятларни четлаб ўтиш ҳолатлари кузатилди, яъни ҳам паст, ҳам юқори концентрациядаги сувларда турлича - сульфатли, хлорид-сульфатли, сульфат-хлоридли шўрланиш типларини кузатиш мумкин, 60 та сув намуналарининг  $45,4$  фоизи (31 та намуна) сульфатли,  $50,0$  фоизи (32 та намуна) хлорид-сульфатли ва фақат  $1,6$  фоизи (1 та намуна) сульфат-хлоридли, катионлар қисмида эса кальций-магнийли, магний-натрийли ва натрийли шўрланиш типларидан иборат. Тадқиқот йилларида олинган сизот сувлари намуналарининг гидрокимёвий таркибларига кўра 6 хил гурухга ажратиш мумкин:

1. Гидрокимёвий таркибига кўра суғориш сувларига яқин бўлган сизот сувлари (анионлар мг-ЭКВ йифиндисидан Cl-25-35%, SO<sub>4</sub>-35-50%, SO<sub>4</sub> : Cl - 1,4-1,5);
2. Ишқорийлиги бирмунча юқорироқ, сульфатлар нисбатан камроқ сизот сувлари (Cl-25-34%, SO<sub>4</sub>-20-53%, SO<sub>4</sub> : Cl - 0,6-3,9);
3. Сульфатларнинг хлорга бўлган нисбати суғориш сувларига яқин бироқ, HCO<sub>3</sub> микдори анча кам сизот сувлари (Cl-35-40%, SO<sub>4</sub>-35-50%, SO<sub>4</sub> : Cl - 1,5-1,7);
4. Суғориш сувларига нисбатан сульфат ионлари анча юқори бўлган сизот сувлари (Cl-5-35%, SO<sub>4</sub>-50-70%, SO<sub>4</sub> : Cl - 2,2-2,5);
5. Сульфат тузлари ўта юқори микдорда бўлган сизот сувлари (Cl-5-20%, SO<sub>4</sub>-70-95%, SO<sub>4</sub> : Cl - 3-6);

**4.1.1- жадвал. Таянч нұқталарда сизот сувларининг шўрланганлик даражаси бўйича 2018-2019 йиллардаги тебраниш оралиги ва ўртacha арифметик кўrsаткичлари, г/л.**

Таянч нұқталар	2018 йил		2019 йил		2018 йил		2019 йил			2 йиллик ўртacha кўrsаткичи	
	Сизот сувлари минераллашганлигини тебраниш оралиғи				Сизот сувлари минераллашганлигини ўртacha кўrsаткичлари						
	бахор	куз	бахор	куз	бахор	куз	ўртacha	бахор	куз	ўртacha	
1	4,41-10,60	3,56-7,35	4,64-12,42	4,45-8,36	6,46	5,46	5,96	7,76	6,34	7,05	6,51
2	2,21-7,20	2,65-11,92	3,26-9,16	3,01-12,00	5,34	7,61	6,48	5,50	7,95	6,72	6,60
3	2,45-13,80	7,94-11,60	4,17-8,82	7,90-12,40	7,69	9,77	8,73	7,04	8,80	7,92	8,32
4	6,28-8,00	5,43-9,63	3,65-14,10	5,80-9,60	6,96	7,53	7,25	6,94	7,70	7,32	7,28
<b>Хўжалик бўйича</b>	2,21-13,80	2,65-11,92	3,26-14,10	3,01-12,40	6,61	7,59	7,11	6,81	7,70	7,25	7,18

6. Суғориш сувларига нисбатан юқори даражадаги хлоридли сизот сувлари ( $\text{Cl}$ -35-45%,  $\text{SO}_4$ -40-55%,  $\text{SO}_4 : \text{Cl} - 1,1-1,2$ ).

Сизот сувларидаги тузларнинг сифат таркибида  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  ва  $\text{MgSO}_4$  тузлари етакчи ўринни эгаллайди. Тузлар миқдори 8-11 г/л гача бўлган сувларда  $\text{NaCl}$  тузи 1,25-2,64 г/л ни ташкил этса, концентрация кўрсаткичлари 17-22 г/л гача ортганда унинг миқдори 4,61-6,36 г/л атрофида кузатилади, яъни сизот сувлари минераллашганлигининг ортиб бориши ва сульфатли шўрланишнинг хлорид-сульфатли шўрланиш типига ўтиб бориши билан  $\text{NaCl}$  тузининг миқдори қуруқ қолдиқ миқдорига мутаносиб равишда ошиб боради. Ҳар қандай концентрациядаги сувларда  $\text{CaSO}_4$  тузи кўрсаткичлари деярли ўзгармагани ҳолда 1-2 г/л атрофида тебраниб туради.

Айрим сув намуналарида муайян бир қулай шароитда натрий иони билан боғланиб, ўта заҳарли туз ҳисобланган сода ( $\text{NaHCO}_3$ ) ёки магний бикарбонат [ $\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$ ] тузларини ҳосил қилувчи юқори миқдордаги умум ишқорийлик ( $\text{HCO}_3$ )<sub>2</sub> кузатилади, бу миқдор бир қатор сув намуналарида 10-14 мг-экв. ни ташкил этади. Ўсимликлар учун заҳарли бўлган  $\text{CaCl}_2$  тузи ўрганилган намуналарда кузатилмагани ҳолда, ўта заҳарли тузлар ҳисобланган нормал карбонатлардан ( $\text{CO}_3$ ) ҳосил бўлувчи  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  тузи 45 та,  $\text{Mg}(\text{HCO}_3)_2$  -18 та,  $\text{MgCl}_2$  - 9 та сув намуналарида қайд этилди. Сизот сувларидаги заҳарли тузларнинг миқдори хўжаликларида умумий тузларнинг 45-87 % ни ташкил этади.

## **4.2. Суғориш, коллектор ва зовур сувлари тавсифи**

Ўрганилган худудлар ер ости сув баланси кирим қисмининг асосий манбалари бўлиб суғориш сувлари ҳисобланади, у сув таъминотининг 68-76% ни ташкил этади. Шунинг учун ҳам суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати кўпинча суғориш сувларининг шўрланганлик даражаси ва сифат таркибларига боғлиқ бўлади, уларнинг шўрланганлик даражаси вақт ва маконда ўзгариб туради. Вақт нуқтаи назаридан мазкур каналларнинг айрим йиллар ва йил фасллари бўйича сув билан таъминланиш ҳолатига боғлиқ бўлса, макон борасида суғориладиган майдонларнинг сув манбаларидан

қандай масофада жойлашганлик ўрнига боғлиқ.

Тупроқшунослик институтнинг кўп йиллар (1965-1966; 1973-1977; 1992-1994; 2000-2003) давомида олиб борган тадқиқотлари ва Сирдарё вилояти суғориш тизимлари бошқармасининг маълумотларига кўра (4.2.1-жадвал.).

#### **4.2.1-жадвал. Жанубий Мирзачўл канали сувининг минераллашганлик даражаси, г/л.**

Ойлар	Қуруқ қолдик	HCO <sub>3</sub>	Cl	SO <sub>4</sub>	Ca	Mg	NaKK	Шўрланиш типи
I	1,316	0,195	0,142	0,564	0,130	0,073	0,148	x-c-h-k
		3,20	4,01	11,74	6,49	6,01	6,45	
II	2,294	0,239	0,192	1,212	0,206	0,127	0,318	x-c-m-h
		3,92	5,42	25,22	10,28	10,45	13,83	
III	1,552	0,232	0,157	0,692	0,169	0,111	0,117	x-c-k-m
		3,80	4,43	14,40	8,43	9,13	5,07	
IV	1,372	0,195	0,171	0,780	0,130	0,102	0,216	x-c-m-h
		3,20	4,82	16,23	6,49	8,39	9,37	
V	1,288	0,183	0,101	0,635	0,130	0,084	0,130	x-c-k-m
		3,00	2,85	13,21	6,49	6,91	5,66	
VI	1,244	0,152	0,124	0,568	0,110	0,055	0,179	x-c-k-h
		2,49	3,50	11,82	5,49	4,53	7,80	
VII	1,172	0,146	0,106	0,580	0,120	0,061	0,148	x-c-k-h
		2,39	2,99	12,07	5,99	5,02	6,45	
VIII	1,182	0,183	0,124	0,484	0,110	0,073	0,117	x-c-k-m
		3,00	3,50	10,07	5,49	6,01	5,07	
IX	1,636	0,201	0,177	0,847	0,150	0,103	0,229	x-c-m-h
		3,29	4,99	17,63	7,49	8,47	9,95	
X	1,688	0,177	0,195	0,716	0,150	0,097	0,180	x-c-m-h
		2,90	5,50	14,90	7,49	7,98	7,84	
XI	1,408	0,177	0,160	0,568	0,140	0,079	0,132	x-c-m-k
		2,90	4,51	11,82	6,99	6,50	5,75	
XII	1,284	0,177	0,124	0,613	0,120	0,067	0,176	x-c-k-h
		2,90	3,50	12,76	5,99	5,51	7,65	

Йиллик ўртача	1,453	0,188	0,147	0,689	0,139	0,094	0,158	Х-С-Н-М
		3,08	4,16	14,35	6,94	7,75	6,88	

Изоҳ: суръатда г/л, махражда мг-экв/л

Жанубий Мирзачўл канали сувининг бундай катта оралиқда ўзгариб туриши канал сув сарфи билан боғлиқ. Жумладан, сув сарфи (хажми) қанча кўп бўлса, ундаги тузлар миқдори шунча кам ва аксинча, каналдаги сув хажми (сатҳи) паст бўлган даврларда (қиши ойлари) канал коллектор-зовур тармоғи вазифасини ўтайди ва ундаги тузлар миқдори ортади. Қачонки канал максимал сув билан таъминланганда (ёз ойларида) ундан сувлар туташ майдонларга сизиб ўтади, бу даврда сувларнинг шўрланганлик даражаси минимал кўрсаткичларда намоён бўлади. Умуман, канал сувининг шўрланганлик даражаси йил давомида 1 г/л дан кам бўлмагани ҳолда, ўртача йиллик миқдори 1,453 г/л ни, шундан хлор иони 0,147, сульфатлар 0,684 г/л ни ташкил этади. Шўрланиш химизми йил давомида хлорид-сульфатли типда намоён бўлади. Тадқиқот йилларида хўжаликлар ички суғориш тизимлари сувларининг минераллашганлиги хўжаликда 1,04-2,58 (зовур сувлари билан аралашган бўлиши мумкин) кўрсаткичларида қайд этилиб, ўртача арифметик миқдорлари вилоятлар бўйича 1,42 ва 1,52 г/л ни ташкил этади (4.2.2-жадвал). Кимёвий таркибига кўра, бу сувлар асосан хлорид-сульфатли, катионлар қисмида эса кальцийли-магнийли ва магний-натрийли шўрланиш типларидан иборат.

Коллектор-зовур сувлари кучсиз (1-3 г/л) ва ўртача (3-10 г/л) минераллашган бўлиб, хўжаликда 2,98 дан 7,06 г/л гача бўлган оралиқда тебраниб тургани ҳолда икки йиллик ўртача арифметик кўрсаткичлари 5,05 г/л ни ташкил этади. Кимёвий таркибларига кўра асосан, хлорид-сульфатли, айрим намуналарда сульфат-хлоридли шўрланиш типларидан иборат.

Коллектор-зовур ва суғориш сувларидаги умумий тузлар (куруқ қолдиқ), хлор ва сульфат ионлари миқдорларининг тадқиқот йиллардаги қиёсий маълумотлари 4.2.3-жадвалда келтирилган бўлиб, суғориш сувларининг ўртача миқдори хўжалик бўйича 1,42 г/л кўрсаткичларида, хлор

ионлари 0,160, сульфатлар 0,701 г/л миқдорида кузатилса, коллектор-зовур сувларининг ўртacha миқдори 5,05 г/л кўрсаткичларида, шундан хлор иони 0,670 сульфатлар миқдори эса 2,400 г/л ни ташкил этади.

#### **4.2.2-жадвал. Хўжаликда ички суғориш тармоқлари ва коллектор-зовур сувларининг 2018-2019 йиллардаги шўрланиш даражаси, тебраниш оралиғи ва ўртacha арифметик кўрсаткичлари, г/л (фоиз ҳисобида)**

Кўрсаткич	СУВЛАР МИНЕРАЛЛАШГАНЛИГИ, Г/Л								
	Суғориш			Коллектор			Зовур		
	2018 й.	2019 й.	ўртacha икки йиллик	2018 й.	2019 й.	ўртacha икки йиллик	2018 й.	2019 й.	ўртacha икки йиллик
Намуналар сони	12	12	24	10	10	20	10	10	20
Тебраниш оралиғи	1,04- 2,08	1,17- 2,58	1,04- 2,58	2,98- 5,61	3,38- 6,60	2,98- 6,60	3,18- 6,10	3,86- 7,06	3,18- 7,06
Ўртacha арифметик миқдор	1,40	1,44	1,42	4,36	5,10	4,72	4,64	5,36	5,05

Юкорида келтирилган жадваллар маълумотларидан келиб чиқиб, ўрганилган худуд тупроқларининг шўрланиш жараёнида суғориш ва сизот сувларининг аҳамияти аниқроқ тасаввур қилиш учун туз ва сув балансларининг тахминий маълумотларини келтириб ўтамиз. Суғориш сувларининг шўрланганлик даражаси ўртacha 1,5 г/л, суғориш меъёри эса гектарига 10000 м<sup>3</sup> ни ташкил этадиган бўлса, у ҳолда тупроқда тўпланадиган тузлар миқдори 15 тоннани, Мирзачўл шароитида очиқ сув ҳавзасидан (юзасидан) ҳар йили 1,5-1,8 м. ҳажмдаги, тупроқ қатламларидан гектар ҳисобида эса 15-18 минг м<sup>3</sup> (ўртacha 16 минг м<sup>3</sup>/га) буғланган ва бу сувлар минераллашганлиги ўртacha 6,0 г/л бўлганда тўпланадиган тузлар миқдори 96 тоннани, атмосфера ёғинлари билан тушадиган тузлар миқдорини эса гектарига 290 кг атрофида [39] деб қабул қилинса, тупроқда тўпланадиган тузлар миқдори ҳар йили 110-120 тоннани ташкил этади.

Шу муаллифларнинг маълумотларига кўра, худуднинг табиий ва

сунъий зовурлашганлигига боғлиқ ҳолда ҳар йили сугориладиган майдонлардан чиқиб кетадиган тузларнинг умумий миқдори 25 тоннадан 40 тоннагача бўлган қўрсаткичларни ташкил этади. Шундай қилиб, бу худуд сугориладиган ерларини мақбул, қулай мелиоратив ҳолатда ушлаб туриш учун қолган 80-85 тонна тузларни ҳар йили чуқур, иш самарадорлиги юқори бўлган ва ер ости оқимлари яхши таъминланган зовурлар фонида сифатли шўр ювиш орқали йўқотиш талаб этилади.

#### **4.2.3-жадвал. Хўжалик ички сугориш тармоқлари ва коллектор-зовур сувларининг қуруқ қолдиқ, хлор ва сульфатлар бўйича 2018-2019 йиллардаги ўртacha қўrсаткичлари, г/л (фоиз ҳисобида).**

Кўrсаткич	Сувлар минерализацияси, г/л								
	сугориш			коллектор			зовур		
	2018 й.	2019 й.	ўртacha	2018 й.	2019 й.	ўртacha	2018 й.	2019 й.	ўртacha
Қуруқ қолдиқ	1,40	1,44	1,42	4,36	5,10	4,72	4,64	5,36	5,05
Cl	0,069	0,073	0,071	0,560	0,683	0,622	0,627	0,718	0,670
SO <sub>4</sub>	0,685	0,716	0,701	2,106	2,257	2,181	2,228	2,574	2,400

#### **4.3. Сугориладиган тупроқларнинг шўрланганлиги ва сувда осон эрувчи тузлар заҳираларига лазерли текислаш таъсири**

Тупроқларнинг сув-туз тартиби кўп омилларга - сизот сувларининг жойлашиш сатҳи, улар минераллашганлиги, тупроқ эритмаларининг шўрланганлик даражаси, сугориш тартиби, шўр ювиш ва сугориш сувлари сифати, тупроқ-сизотларнинг хоссалари, худуднинг литологик-геоморфологик ва иқлим шароитларига боғлиқ. Туз тартибини белгиловчи барча омиллар ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, уларнинг бирини ўзгариши бир вақтнинг ўзида бошқаларининг кескин ўзгаришигача олиб келади. Тупроқ эритмасидаги тузлар концентрацияси қишлоқ хўжалик экинларини ҳалок қилмасдан даврий равишда заҳарлилик даражасигача яқинлашиши

тупроқнинг "kritik туз тартиби" деб аталади ва тузлар сув билан мунтазам ҳаракатланиши туфайли тўғридан-тўғри тупроқ намлик (сув) тартибига, жумладан уларнинг капиллярлар орқали қўтарилиш интенсивлигига боғлиқ.

Ионларнинг туз бирималарини ҳосил қилиши ва уларнинг ҳаракатланиши жараёнларида тупроқ қатламларининг қаттиқ фазасида энг аввало, сувда кам эрийдиган тузлар  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{CaMg}(\text{CO}_3)_2$ ,  $\text{CaCO}_3$ ,  $\text{CaSO}_4$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  тўпланади. Бу фазада тўпланадиган юқори даражада эрувчанликка эга бўлган бошқа тузлар кескин ифодаланувчи мавсумий ҳарактерга эга бўлиб, фақат тупроқнинг устки қатламларида, асосан тупроқ эритмасида ( $\text{NaNO}_3$ ,  $\text{MgCl}_2$ ,  $\text{CaCl}_2$ ,  $\text{NaCl}$ ,  $\text{MgSO}_4$ ,  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ ) ўз аксини топади. Тузларнинг эрувчанлиги қанча кам бўлса, улар сизот ва тупроқларда циркуляцияланувчи (айланиб юрувчи) эритмаларнинг тўйиниш нуктасига шунча олдинроқ етишади ва бу тузларнинг географик тўпланиш ареали шунчалик кенг майдонларни ташкил этади.

Тузларнинг ҳаракатланиш жараёни мураккаб тавсифда намоён бўлиб, у вегетация ва новегетация даврларда фойдаланиладиган сув меъёри, қатламларининг литологик тузилиши, энг асосийси, зовурлар фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ. Ўрганилган ҳудудларда ҳар йили мелиоратив тадбирлар мажмуаси ўtkазилиб туришига қарамасдан суғорма деҳқончилик ҳудудларида тупроқ шўрланиш ҳавфи давом этмоқда, суғориладиган тупроқларнинг шўрланганлик даражасини баҳолаш эса анча мураккаб бўлиб, бу жараён нафақат тузларнинг вақт ва маконда ўзгариб туриши, балки тупроқнинг бир фазасидан иккинчи фазасига ўтиб туриш қобилиятини, шу билан бирга ўзларининг ўсимликлар учун заҳарлилик даражасини ва мелиоратив тадбирлар таъсирига берилувчанлигини мавсумий ўзгартиб туриши билан боғлиқ.

Ўтказилган кўп йиллик мавсумий дала-кузатув ва лаборатория-аналитик маълумотларининг таҳлили, Сирдарлө вилояти Оқолтин тумани Бобур СИУ худуди тупроқларидағи туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланиш жараёнлари, уларнинг йўналиши ва географик тарқалиш қонуниятлари

худуднинг литологик-геоморфологик, гидрогеологик, тупроқ-иқлим ва ирригация-хўжалик шароитларига, айниқса худуд ерларининг табиий ва сунъий зовурлашганлик даражаси, коллектор-зовур тармоқларининг техник ҳолати ва иш самардорлиги, ер ости сувларининг жойлашиш сатҳи ва минераллашган ҳамда сугориш сувларининг сифатига боғлик ҳолда, тузларнинг миқдорий кўрсаткичлари, жумладан, умумий ва заҳарли заҳиралари худуднинг турли геоморфологик районларида, турли қисмларида турлича эканлигини кўрсатди. Ўрганилган барча хўжаликлар тупроқлари турли даражада шўрланган бўлиб, улар ичида шўрланиш даражалари ва типлари, шунингдек, тузли қатламларнинг тупроқ кесмасида жойлашиш ҳолатига кўра турли вариантларини ажратиш мумкин.

Шўрланиш даражасига кўра ўрганилган янгидан ва эскидан сугориладиган бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларда шўрланмаган (туздан ювилган) айирмаларидан (тузлар миқдори 0,3% дан кам) шўрҳокларгача (тузлар миқдори 3,0% дан ортиқ) бўлган айирмалари кузатилса, тузли қатламларнинг тупроқ кесмаида жойлашиш чуқурлиги, қатлам қалинлиги ва шўрланиш даражасига кўра шўрҳокли (тузларнинг максимал миқдори 0-30 см. ли қатламда жойлашган), юқори шўрҳоксимон (30-50 см. да), шўрҳоксимон (50-100 см. да), чуқур шўрҳоксимон (100-150 см. да) ва чуқур шўрланган (150-200 см. да) гурухлари учрайди (4.3.1-жадвал). Шўрҳокли

#### **4.3.1-жадвал. Сугориладиган тупроқлардаги сувда осон эрийдиган тузлар, гипс, карбонатлар миқдори ва шўрланиш химизми**

Кесма №	Қатлам чуқур лиги, см	Қуруқ қолдиқ, %	Cl, %	SO <sub>4</sub> , %	Шўрлан иш типи	CaSO <sub>4</sub> ·2H <sub>2</sub> O Гипс	CO <sub>2</sub> Карбонат
1	0-30	0,550	0,014	0,313	C	2,58	6,28
	30-50	0,750	0,017	0,426	C	3,74	6,87
	50-100	1,120	0,052	0,570	C	1,30	5,92
	100-150	1,230	0,024	0,666	C	2,56	7,13
	150-200	0,600	0,014	0,321	C	2,31	5,92
2	0-30	1,160	0,014	0,668	C	3,42	5,57

	30-50	0,870	0,014	0,475	C	2,26	6,28
	50-100	0,700	0,010	0,422	C	3,08	6,45
	100-150	0,760	0,017	0,454	C	1,35	5,93
	150-200	0,650	0,017	0,397	C	2,31	6,00
3	0-30	0,590	0,021	0,311	C	2,98	6,31
	30-50	0,310	0,017	0,160	C	3,64	6,58
	50-100	0,230	0,014	0,101	C	2,54	5,56
	100-150	1,110	0,028	0,664	C	2,56	5,86
	150-200	1,810	0,024	0,740	C	2,85	6,01
4	0-30	0,250	0,017	0,123	C	1,12	6,50
	30-50	0,520	0,021	0,253	C	1,74	6,84
	50-100	0,730	0,021	0,350	C	2,01	6,74
	100-150	0,660	0,017	0,383	C	2,22	5,90
	150-200	1,150	0,017	0,730	C	2,31	5,65
5	0-30	0,440	0,021	0,226	C	1,92	6,51
	30-50	0,350	0,017	0,171	C	1,66	5,46
	50-100	0,460	0,028	0,230	C	2,63	5,98
	100-150	1,430	0,024	0,821	C	0,66	6,16
	150-200	1,540	0,028	0,870	C	0,69	6,34
6	0-30	0,330	0,017	0,160	C	0,97	6,16
	30-50	0,510	0,007	0,300	C	0,65	6,88
	50-100	2,040	0,007	1,211	C	2,14	6,34
	100-150	0,910	0,007	0,561	C	0,47	6,40
	150-200	0,570	0,017	0,321	C	0,71	6,30
7	0-30	1,350	0,010	0,796	C	10,70	6,68
	30-50	1,170	0,007	0,755	C	10,43	6,94
	50-100	1,400	0,010	0,823	C	15,06	7,16
	100-150	1,410	0,010	0,825	C	12,14	5,98
	150-200	1,260	0,014	0,810	C	11,13	6,20
8	0-30	1,400	0,014	0,782	C	10,56	6,33
	30-50	1,330	0,024	0,847	C	9,33	5,22
	50-100	1,410	0,031	0,829	C	11,13	5,75
	100-150	1,420	0,014	0,831	C	7,90	6,01
	150-200	1,400	0,017	0,819	C	6,69	6,63

айирмалар (2-кесма) асосан кучли ва жуда кучли даражада шўрланган бўлиб, тузларнинг энг - 1,150-1,810, 0,017-0,28, 0,730-0,870 % миқдорида кузатилади кўп миқдори тупроқнинг устки ҳайдалма қатламларида тўпланган, уларнинг ялпи миқдори 1,160-3,915% ни, шундан хлор ионлари миқдори 0,035-0,681, сульфатлар эса 0,668-1,899% ни ташкил этади. Тупроқларнинг юқори шўрхоксимон гурухларида (4-кесма) тузларнинг максимал миқдорлари 1,440-2,070, хлор ионлари - 0,049-0,392, сульфатлар - 0,810-1,458%, шўрхоксимон гурухларда (6,8-кесмалар) мутаносиб равишда 1,410-2,140, 0,017-0,031 ва 0,829-1,315% чукур шўрхоксимон айирмаларда (1,7- кесмалар) 1,230-2,030, 0,024-0,066 ва 0,666-1,225% ҳамда ниҳоят чукур шўрланган тупроқ гурухларида (3,4,5-кесмалар) Булардан ташқари кўпгина тупроқ кесмалари учун "Кесмали" шўрланиш (7,8-кесмалар), яъни тупроқнинг сизот сувларигача бўлган бутун кесмада тузларнинг бир маромда юқори миқдорий кўрсаткичларда тақсимланганлиги тавсифли хусусиятдир.

Ўрганилган тупроқлардаги тузлар таркибида асосий ўринни  $MgSO_4$  ва  $Na_2SO_4$ , кейинги ўринни  $CaSO_4$  эгаллайди. Тупроқларнинг шўрланганлик даражасининг ортиб бориши, сульфатли типдаги шўрланишни хлоридли-сульфатли шўрланиш типига ўтиши жараёнида  $NaCl$  тузлари етакчи ўринни эгаллайди, айрим тупроқ намуналарида жуда кам миқдорда  $MgCl_2$  учрайди.  $Ca(HCO_3)_2$  тузларининг миқдори шўрланиш даражасига боғлиқ бўлмагани ҳолда, турли даражада шўрланган тупроқларда унинг кўрсаткичлари 0,036-0,042% дан ошмайди (4.3.2-жадвал).

Захарли тузлар миқдори жуда кенг оралиқда тебраниб, Жиззах вилояти тупроқларида умумий тузларнинг 20-22% дан 54-65%гача, Сирдарё вилоятида эса 28-32% дан 75-80%гача бўлган миқдорларини ташкил этади. Асосий кўпчилик ҳолатларда умумий ва заҳарли тузлар, шунингдек, заҳарли тузлар ва тупроқдаги натрий иони ўртасида узвий боғлиқлик кузатилади, яъни тузлар миқдорининг ортиб бориши билан натрий миқдори кўрсаткичлари ҳам параллел равишда ошиб боради. Тузлар таркибидаги магнийнинг нисбатан кўпроқ, натрийнинг эса катионлар орасида устунлик

қилиши суғориладиган тупроқларда мавжуд тузларнинг юқори даражадаги заҳарлилигидан далолат беради.

Мирзачўлнинг жануби-шарқий қисмида ва саз-шўрҳок ҳудудсида тарқалган тупроқлар кўпчилик ҳолатларда гипсли қатламларининг ўта ноқулай сув-физикавий хоссалари: фильтрация коэффициентининг ўта пастлиги ( $0,01$ - $0,03$  м/сут.), ҳажм оғирлигининг юқорилиги ( $1,6$ - $1,7$  г/ $\text{см}^3$  гача), умумий ғовакликнинг эса жуда пастлиги, ( $32$ - $35\%$ ), шунингдек тузларнинг улкан заҳираларини ( $0$ - $1$  м. қатламида  $450$ - $600$  т/га) мавжудлиги билан бошқа тупроқлардан ажralиб туради.

Жумладан, Сирдарё вилоятининг Хавос тумани "Пахтакор" СИУ хўжалиги тупроқларида ўта зичлашган, кучли гипслашган қатламлар  $30$ - $35$  см. дан, айрим ҳолатларда ер юзасидан бошланиб, гипсли қатлам қалинлиги  $40$  см. дан  $120$  см. гача боради. Тупроқ кесмаида гипснинг тарқалишида муайян аниқ қонуниятлар кузатилмагани ҳолда, унинг максимал миқдорлари ҳам юқориги, ҳам пастки қатламларда  $14$ - $24\%$  дан  $57$ - $62\%$  гача бўлган кўрсаткичларда учрайди [36] Бундай гипслашган тупроқлардан қишлоқ хўжалигига фойдаланилганда гипсли қатламларнинг жойлашиш чуқурлиги ва қатлам қалинлиги, шунингдек, гипс кристалларини шакли, размерлари ва миқдорларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштириб фойдаланиш тавсия этилади. Тупроқлар кесмасида карбонатларнинг тарқалиши ва миқдорий кўрсаткичларида тупроқнинг ривожланиши (эволюцияси ва трансформацияси) билан боғлиқ бирон бир қонуниятлар кузатилмайди. Фақат айрим ҳолатларда тупроқнинг устки қатламларида ва сизот суви устки глейли қатламларида нисбатан кўпроқ тўпланганлигини учратиш мумкин. Карбонатлар тупроқ кесмаида бир оз кам ёки кўпроқ миқдорларда бир маромда текис тақсимлангани ҳолда, улар миқдоридаги айрим тебранишлар тупроқнинг механик таркиби билан боғлиқ. Умуман олганда, карбонатлар тупроқ кесмаида алоҳида карбонатли қатламларни ифода этмагани ҳолда  $5$ - $7\%$  атрофида деярли бир маромда тақсимланган.

Тупроқда тўпланган ялпи тузлар миқдорини ҳисобга олишнинг энг

ишончли ва мақбул усули, уларнинг ўртача арифметик кўрсаткичларини тупроқ қатламлари ҳажм оғирлигини (массасини) ҳисобга олган ҳолда гектар бирлигига тонна кўрсаткичларида ифодалаш ҳисобланиб, тупроқнинг турли қатламларидаги (0-1, 1-2, 2-3, 0-3 м.) ялпи туз захиралари ва майдонларини аниқлаш, мелиоратив ҳолатларини объектив баҳолаш ва уларни яхшилашга қаратилган тавсиялар мажмуасини ишлаб чиқишида асос бўлиб хизмат килади.

#### **4.3.2-жадвал. Тупроқларидаги тузларнинг сифат таркибига лазерли текислашнинг таъсири**

Кесма №	Қатлам чуқурли ги, см	Ca(HCO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub>	CaSO <sub>4</sub>	MgSO <sub>4</sub>	MgCl <sub>2</sub>	Na <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	NaCl	Тузлар йигиндиси			
								Умумий	Захар ли	Захар сиз	Захарли тузлар, % ҳисобида
2	0-30	0,028	0,793	0,119		0,020	0,023	0,983	0,162	0,821	16,49
	30-50	0,025	0,541	0,105		0,016	0,023	0,710	0,144	0,566	20,29
	50-100	0,032	0,484	0,102	0,058		0,027	0,703	0,187	0,516	26,61
	100-150	0,028	0,453	0,149		0,023	0,029	0,682	0,201	0,481	29,48
	150-200	0,028	0,419	0,128	0,006		0,022	0,603	0,156	0,447	25,88
1	0-30	0,025	0,269	0,104		0,060	0,023	0,481	0,187	0,254	38,88
	30-50	0,032	0,398	0,149		0,039	0,029	0,647	0,217	0,430	33,54
	50-100	0,028	0,402	0,179		0,181	0,086	0,876	0,446	0,430	50,92
	100-150	0,028	0,742	0,179			0,040	0,989	0,219	0,770	22,15
	150-200	0,032	0,246	0,090		0,113	0,023	0,504	0,226	0,278	44,85
8	0-30	0,028	0,946	0,144	0,004		0,018	1,140	0,166	0,974	14,57
	30-50	0,036	0,820	0,336	0,004		0,035	1,231	0,375	0,856	30,47
	50-100	0,036	0,973	0,164		0,018	0,051	1,242	0,233	1,009	18,77
	100-150	0,032	0,959	0,193	0,012		0,008	1,204	0,213	0,991	17,70
	150-200	0,032	0,959	0,164		0,018	0,029	1,202	0,211	0,991	17,56

Ўрганилган ҳудуд таянч хўжалигига тупроқларидаги умумий туз захираларининг турли қатламлардаги миқдорий ўртача арифметик кўрсаткичларини мавсумий ўзгариши динамикаси маълумотлари 4.3.3-жадвалда келтирилган. Жадвалда келтирилган маълумотларнинг далолат

**4.3.3-жадвал. Худуд таянч хўжаликлари тупроқларининг турли қатламларидағи сувда осон эрувчи тузлар захираси ўртача миқдорларининг мавсумий ўзгариш динамикаси, т/га**

Таянч нуқталари	2017 йил.						2018 йил						Тупроқнинг 0-1 метли қатламдаги тузлар захираларининг ўртача кўрсаткичлари			Тупроқнинг 0-2 метри қатламдаги тузлар захираларининг ўртача кўрсаткичлари		
	Баҳор		Куз				Баҳор		Куз									
	Қатлам, м.						Қатлам, м.						2017 й.	2018 й.	2017-2018 й.й.	2017 й.	2018 й.	2017-2018 й.й.
	0-1	1-2	0-2	0-1	1-2	0-2	0-1	1-2	0-2	0-1	1-2	0-2						
1	47,89	72,97	120,77	54,61	84,41	139,02	64,23	109,79	174,02	62,28	72,22	134,50	51,25	63,25	57,25	129,90	154,26	142,08
2	69,09	59,18	128,27	62,68	53,84	116,52	58,17	54,59	112,76	68,40	45,03	113,43	65,89	63,29	64,59	122,40	113,10	117,74
3	68,38	58,76	127,14	61,81	55,90	117,71	61,05	84,91	145,96	71,83	54,72	126,56	65,10	66,44	65,77	122,43	136,26	129,34
4	177,65	177,68	355,33	173,32	156,77	330,09	187,69	187,13	374,82	161,69	156,32	318,00	175,49	174,69	175,09	342,71	346,42	344,56
<b>Хўжалик бўйича</b>	90,73	92,15	182,88	88,11	87,73	175,84	92,79	109,11	201,90	91,05	82,07	173,12	89,42	91,92	90,67	179,36	187,51	183,44

беришича, ўтган қисқа вақт ичида хўжалик суғориладиган шўрланган ерлари мутаносиблигига сезиларли катта ўзгаришлар кузатилмаса-да, айrim хўжаликлар ерларининг туз заҳиралари ҳолатида бирмунча ўзгаришлар содир бўлганлигини учратиш мумкин.

Туз заҳиралари ҳолатидаги бир қадар жузъий тафовутлар ўз навбатида табиий ва ирригацион-хўжалик, биринчи навбатда, суғориш шароитларига, иккинчидан, жойларда ўтказилаётган мелиоратив тадбирлар, жумладан шўр ювиш ишлари сифатига боғлиқ ҳолда ҳудуднинг турли қисмларида шўрланиш ва шўрсизланиш жўраёнлари содир бўлаётганлигидан далолат беради.

Жадвалда келтирилган маълумотларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, агар Оқолтин тумани Бобур СИУ ҳудуди ялпи туз заҳираларининг ўртacha миқдори тупроқнинг 0-1 метрлик қатламида 2018 йилда (91,92 т/га) 2019 йилга (89,42 т/га) нисбатан 2,5 тоннага ошган, тупроқнинг 0-2 метрлик қатламида бу кўрсаткич хўжаликда ўртacha 8,15 тоннага кўпайган, яъни тузлар пастки қатламларга ювилган.

#### **4.4\_Суғориладиган тупроқларининг лазерли текислашдан кеинги мелиоратив ҳолатини баҳолаш**

Мирзачўл ўзининг географик жойлашишига кўра ер ости сувлари оқимининг ўта паст даражадаги кўрсаткичлари билан тавсифланади, бу ўз навбатида шўрҳокланиш жараёнларини ривожланиши учун имкон яратади. Шунинг учун ҳам бу ҳудудда барча тупроқлар деярли шўрланган ва фақат зўр бериш ҳамда катта микдордаги сарф-харажатлар бу ерларни мелиоратив мақбул (қулай) ҳолатда ушлаб туришга замин яратиши мумкин. Ҳудуднинг йирик ирригация каналлари таъсиридаги ҳам эскидан, ҳам янгидан ўзлаштирилган бепоён ерлари (кенгликлари) ўта шиддатли шўрланишга учраб, ҳосилни пасайишига ёки уларни катта майдонларда ҳалок бўлишига олиб келмоқда. Зовурсиз ёки улар тармоқлари етишмайдиган майдонларда

сатҳи ер юзасига яқин бўлган сизот сувларининг асосан буғланишга сарфланиши оқибатида юзлаб тонна, ҳар бир кубометр суғориш сувлари билан майдонларга ўнлаб тонна сувда осон эрувчи тузларни келиб қўшилиши туз балансининг номақбул салбий томонга ўзгаришига олиб келмоқда, худуд суғориладиган ерларнинг асосий қисми тупроқларида ва сизот сувларида турғун-салбий туз баланси содир бўлмоқда.

Эскидан ўзлаштирилган суғориладиган тупроқлар контуридаги фойдаланилмайдиган "қўриқ" ва ташлаб қўйилган "партов" ерларнинг ҳам катта майдонлари кучли шўрланган. Булардан ташқари, суғориладиган ерлар орасида ўсимликлардан ҳоли бўлган "доғли" шўрланган тупроқлар учраб, уларнинг майдонлари шўрланмаган (тузлардан ювилган), кучсиз, кўпгина ҳолатларда ўртacha шўrланган тупроқлар ичida 30-40, баъзан 50% гача майдонларни эгаллайди. Шунинг учун ҳам бундай ерларда пахтанинг ўртacha ҳосилдорлиги 10-12 центнергача кам бўлган микдорни ташкил этади.

Ер ости сувларининг сатҳи ўсимликларнинг вегетация даврида асосан 70-200 см. орлифида, вегетация даври тугагач, 2,5-3,0 м. чукурликда жойлашиб, ҳар иккала ҳолатда ҳам "критик" чукурликдан анча юқори ҳолатда қузатилади, уларнинг минераллашганлиги ўртacha 5-10 г/л ни ташкил этади ва тупроқ ҳосил бўлиш, жумладан шўрланиш жараёнларида фаол иштирок этади. Ер ости сувларининг ҳудудга узоқ асрлар давомида оқиб келиши ва уларнинг асосан буғланишга сарфланиши ҳудуд тупроқларининг 5-10 метрлик устки қатламларида минг тоннадан ортиқ улкан туз заҳираларини тўпланишига олиб келган, бунинг устига туз заҳираларининг асосий қисми тупроқнинг юқориги 0-2 (3) метрлик қатламларида жойлашган. Тупроқнинг устки 0-1 метрли, айниқса ҳайдалма қатламидаги улкан туз заҳиралари ҳар йили шўр ювишга ва ювилувчи суғориш тартибларини қўллашга ортиқча сув сарфи заруриятини келтириб чиқаради, шўр ювиш эса асосий майдонларда техник носоз, иш самарадорлиги паст зовурлар фонида тупроқларнинг шўрланиш даражаси, типлари, механик таркиби ва сув ўtkазувчанлик қобилияти эътиборга олинмасдан сифатсиз ўtkазилади,

натижада тупроқлар яна тез орада қайта шўрланади.

Суғориладиган тупроқларда содир бўлаётган иккиламчи шўрланиш ва у билан боғлиқ қишлоқ хўжалик экинларининг паст ҳосилдорлиги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бу йўналишда кўп ва турли-туман тадбирлар ўтказилишига қарамай жадал туз тўпланиши ва иккиламчи шўрланиш жараёнларининг йил сайин кучайиши, органик моддалар ва озиқа элементларнинг камайиши кузатилмоқда, тупроқ унумдорлиги ва ишлаб чиқариш қобилияти пасаймоқда, на фақат пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари, балки манзарали ва мевали дарахтлар ҳам зиён қўрмоқда, ўн минглаб гектар ерлар ишлаб чиқариш оборотидан чиқиб кетмоқда.

Ўрганилган ҳудудлар суғориладиган тупроқларининг юқори даражада шўрланганлиги ва шўрланишга янада кўпроқ мойиллиги бу "офат" билан мунтазам курашишни тақозо этади. Бунинг учун энг аввало, ўрганилаётган тупроқларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолатини ҳар томонлама чукур ўрганиш негизида уларни согломлаштиришга қаратилган илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалда тезда қўллаш ниҳоятда зарур. Бу борада институтда ишлаб чиқилган [19] амалиётда фойдаланиш учун жуда қулай бўлган, бир вақтнинг ўзида тупроқлардаги тузларнинг ҳам ўртача умумий миқдорлари (%) ва заҳиралари (т/га), ҳам шўрланиш даражаси ва миқдорий баҳолаш кўрсаткичларини (гурухларини) ифода этувчи классификациядан (шакладан) фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга (4.4.1-жадвал).

Мазкур классификацияга кўра, тупроқнинг устки бир метрлик қатламида 50 тоннагача туз заҳиралари бўлган тупроқлар шўрланмаган, 50-100 т/га - кучсиз, 100-200 т/га - ўртача, 200-300 т/га - кучли ва ниҳоят 300 т/га дан ортиқ туз заҳиралари бўлган тупроқлар ўта кучли ёки шўрҳоклар гурухига киради.

**4.4.1-жадвал. Тупроқнинг шўрланганлик даражасини тузларнинг  
умумий миқдори ва заҳиралари бўйича аниқлаш ва гурухларга  
ажратиш классификацияси**

Шўрланиш даражаси	Туз заҳиралари нинг тебраниш оралиғи, т/га	Туз миқдорлари нинг қуруқ қолдиқ бўйича ўртача кўрсаткичлари, %	Тупроқлар гурухи (баҳоси)
Шўрланмаган (ювилган)	0-50	0,0-0,35	Жуда кам
Кучсиз шўрланган	50-100	0,35-0,70	Кам
Ўртача шўрланган	100-150	0,70-1,05	Ўртача
Ўртача шўрланган	150-200	1,05-1,40	Баланд
Кучли шўрланган	200-250	1,40-1,75	Юқори
Кучли шўрланган	250-300	1,75-2,10	Жуда юқори
Шўрҳок	> 300	> 2,10	Ўта юқори

**В БОБ. БОБУР СИУ СУГОРИЛАДИГАН ТУПРОҚ  
ЛАРИНИНГСУВ-ФИЗИКАВИЙ ХОССАЛАРИГА ЛАЗЕРЛИ  
ТЕКИСЛАШНИНГ ТАЪСИРИ**

**5.1 Тупроқлар умумий физикавий хоссаларига лазерли текислашнинг  
таъсири**

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ер майдоннинг етарли зовурлашмаганлиги салбий таъсир қилиши натижасида, у тупроқни зичланишига, тупроқ эрозиясига, туз тўпланишига ва ҳосилдорликни пасайишига олиб келади. Дала рельефи зовурлашганликка таъсир қилиши ва нотекис ер даласининг пастқам яъни чуқур ерларида узоқ вақт сув тўпланишига олиб келади, сув тўпланадиган катта кўлмакларни ишғол қиласи. Ер юзаси лазерли текисланганда далаларнинг зовурлашганлигини яхшиланади, юза сув оқимини осонлаштиради. Шунингдек лазерли текислаш паст кўлмаклар ҳосил бўладиган ерларни тўлдиради. Текисланмаган далада доимий кўлмак сувлар тўпланиши, унинг натижасида тупроқ агрегатларини парчаланиши, тупроқ зичланишига сабабчи бўлади. Тупроқ зичланиши ўсимликларни ўсишига таъсир этиб, вегетация даврида ўсимлик илдизи учун физик тўсиқ сифатида таъсир қиласи. Турғун ҳолатдаги сув буғланади, у тупроқ кесмасидаги тузларни юзага олиб чиқиши, натижада уларнинг ўсишига салбий таъсир қилиши мумкин. Қишлоқ хўжалик экинларини этиштиришда турғун сув таъсирини осон кузатиш мумкин; одатда ўсимликларнинг бўйи паст, ранги сарғайган, ҳосил элементлар миқдори кам, илдиз тарқалган жойдаги кислороднинг ўсимлик учун етарли миқдорини камайтиради ва заҳарли бирикмалар ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Бундай шароитда ўсимлик заифлашади ва касалликларга тезда чалинади. Ва ниҳоят турғун сув кам ҳосил олишга олиб келади. Ниҳоят ёмон зовурлашганлик баҳорда далаларга ишлов беришни кечикитиради. Тупроқни етилиши бир вақтда содир бўлмайди, етилмаган майдон ерларга ишлов бериш учун кўп вақт талаб қилинади, лой ишлов берилган майдонларда зичланиш вжудга келади, тупроқ структураси бузилади. Ҳар қандай тупроқка ишлов бериш

унинг физик етилган ҳолатида амалга ошириш зарур.

М.У.Умаров, Ж.Икрамов, Р.Курвантоевларнинг [50] кўп йиллик илмий тажрибалари шуни кўрсатадики, зичланмаган тупроқ таркиби ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига ҳосилдорликни ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўза ўсимлиги ривожланиши учун ҳар бир куб см ҳажмдаги тупроқнинг зичлиги  $1,2\text{-}1,4 \text{ г/см}^3$  оралигига бўлганда мақбул шароит вужудга келади. Тупроқда мақбул зичлик бўлганда нам узоқ сақланади, озиқа моддалар яхши ўзлаштирилади. Фойдали микроорганизмлар 2-3 марта кўп бўлади. Шунингдек ҳар бир туб ғўзада 2-3 та кўсак ортиқча тўпланади.

Кўпгина илмий тадқиқот муассасалари томонидан олиб борилган тажрибалар асосида республиканинг асосий тупроқларида мақбул зичлик кўрсатгичлари аниқланган [50]. Масалан тажрибаларда ўрганилган тупроқларнинг сув-физик, биологик тартиботига ҳамда ғўзанинг ўсиши ривожланиши ва ҳосилдорлик натижаларига кўра, Қаши чўли кўп қаватли аллювиал ётқизиқларида ҳосил бўлган енгил механик таркибли тақирсимон тупроқларда мақбул зичлик  $1,3\text{-}1,4 \text{ г/см}^3$ , ўрта қумоқли ва енгил лойлида  $1,2\text{-}1,4 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қиласди. Қадимдан суғориладиган ўтлоқи (Бухоро ваҳоси) қалин ирригация аллювиал ётқизиқларида ҳосил бўлган оғир қумоқли ўтлоқи тупроқлар учун зичлик  $1,2\text{-}1,4 \text{ г/см}^3$ , янгидан суғориладиган оғир қумоқли оч тусли бўз тупроқлар учун зичлик  $1,2\text{-}1,4 \text{ г/см}^3$ , қадимдан суғориладиган типик бўз тупроқлар ва ўтлоқи тупроқлар учун зичлик  $1,2\text{-}1,4 \text{ г/см}^3$ , энг ноқулай (критик) зичлик эса  $1,5\text{-}1,6 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қиласди.

Мирзачўл воҳасининг суғориладиган ўтлоқи ва бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида олиб борилган майдон юзасини лазер невилери ёрдамида текислаш тупроқнинг умумий физикавий хоссаларига таъсирини кўрсатишича, тупроқнинг солиштирма оғирлигига ( $\text{CO}$ ) деярли таъсир кўрсатмайди, яъни бир метрли суғориладиган ўтлоқи тупроқ қатламида  $\text{CO } 2,60\text{-}2,65 \text{ г/см}^3$ , бўз-ўтлоқи тупроқда  $\text{CO } 2,59\text{-}2,67 \text{ г/см}^3$  оралигига тебраниб туради (5.1.1-жадвал).

Майдон юзаси лазерли текислашда анъанавий текислашдагидай

техниканинг далага қайта-қайта кириши натижасида Бобур СИУ худудидаги суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларининг зичлиги назоратга нисбатан ( $1,53-1,63 \text{ г}/\text{см}^3$ ) бринчи йил яъни лазерли текислангандан кейин даврда ҳажм оғирлиги бирмунча юқори бўлганлигини кўрсатади ( $1,56-1,60 \text{ г}/\text{см}^3$ ). Тажрибанинг иккинчи йилига бориб тупроққа кам ишлов берилиши ҳамда агротехника амалларни тўғри бажарилиши натижасида бўз-ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида зичликнинг бирмунча камайиши кузатилиб назоратда  $1,40-1,54 \text{ г}/\text{см}^3$  ни ташкил этса, лазерли текисланган майдонда  $1,31-1,52 \text{ г}/\text{см}^3$  ташкил килди. Иккинчи йилга келиб очиқ зовурларнинг тозаланиши ҳисобига тупроқ қатламларида зичланишнинг ҳар иккала вариантда ҳам бироз, айниқса лазерли текисланган майдонда ( $0-30, 30-50 \text{ смда } 1,31-1,52 \text{ г}/\text{см}^3$ ), назоратга нисбатан ( $1,40-1,54 \text{ г}/\text{см}^3$ ) камайганлигини қўриш мумкин. Ҳар иккалла вариантнинг ҳайдов остки қатламида юқори зичлик сақланиб колган, чунки вариантларнинг ҳайдов остки қатламини юмшатиш зарур.

Бўз-ўтлоқи тупроқлар тарқалган Бобур СИУсида олиб борилган тажрибанинг биринчи йилида лазерли текисланган майдонинг ҳайдов ва ҳайдов остки қатлам тупроқларнинг зичлиги назоратда  $1,50-1,63 \text{ г}/\text{см}^3$ ни ташкил этса, анъанавий усулда  $1,56-1,52 \text{ г}/\text{см}^3$  ва лазерли текислашда  $1,45-1,53 \text{ г}/\text{см}^3$ га teng. Бўз-ўтлоқи тупроқларда лазерли текислашдан кейин чуқур юшатиш агротехник тадбири ўтказилганлиги сабабли ҳайдов қатлами зичлигининг назоратга ва анъанавий усулга нисбтан бирмунча камлигини кўрсатади.

Турли тупроқ типлари ва типчалари ҳаттоқи уларнинг вертикал қатламлари учун хос бўлган физик кўрсатгич-бу ғоваклиқдир. Тупроқ хилма-хил тешикчалар, каналчалар, найчалар (уларни катталиги, тузилиши, жойланиши ва бошқалар) мажмуасидан ташкил топган ғовак мураккаб (мозаик) тизимдир. Ушбу тизим орқали тупроқ нафас олади ва шу тизимда сув, ҳаво ҳаракатланади. Тупроқ физик кўрсатгичлари – зичлик ва ғоваклик бир-бири боғлик ҳолда ўзгаради, айни ҳолда зичликнинг ошиши

ғовакликнинг камайишига, бу эса ўз навбатида тупроқ қатламларида сув-ҳаво алмашинувини ёмонлашувига, охир оқибат экинлар озиқланиш ва сувдан фойдаланиш жараёнининг қийинлашувга ва ниҳоят тупроқ унумдорлигини пасайишига олиб келадиган кўрсатгичдир. Тупроқ зичлиги ва ғоваклиги – механик таркиб каби шўр ювиш жараёнининг сифатига, қўлланилган гидромелиоратив ва агромелиоратив тадбирларни самардорлигини белгилашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Качинский Н.А [50] тупроқ ғоваклигини: умумий, агрегатли, агрегатлараро, кучли боғланган, сув билан тўйдирилган, капилляр сув билан боғланган, умумий сув билан, ҳар хил сув билан, ҳаво билан боғланган каби етти хили мавжудлигини таъкидлайди.

### **5.1.1. Тупроқ умумий физикавий хоссаларини лазерли текислаш таъсирида ўзгариши.**

Вариант №	Қатлам қалинлиги, см	СО	XO,	УF,	СО	XO,	УF,
		г/см <sup>3</sup>	г/см <sup>3</sup>	%	г/см <sup>3</sup>	г/см <sup>3</sup>	%
2018						2019	
1 назорат	0-30	2,61	1,53	41,38	2,61	1,40	46,36
	30-50	2,63	1,63	38,02	2,63	1,54	41,44
	50-70	2,65	1,51	43,02	2,65	1,50	43,40
	70-100	2,64	1,45	45,08	2,64	1,41	46,59
2 лазерли текислаш	0-30	2,62	1,56	40,46	2,63	1,31	50,19
	30-50	2,60	1,60	38,46	2,61	1,52	41,76
	50-70	2,61	1,51	42,15	2,63	1,39	47,15
	70-100	2,65	1,45	45,28	2,65	1,38	47,92


Бўз-ўтлоқи тупроқлар тажриба ер майдони лазерли текисланган бринчи йилда умумий ғовакликнинг (УF) ҳайдов қатламида назоратга нисбатан кам бўлиши кузатилиб, кейинги йилларда аксинча ортишини 5.1.1-жадвал маълумотларидан қўриш мумкин. Тажрибанинг сугориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда 2019 йилда назорат вариантининг ҳайдов ва ҳайдовости қатламда 41,38-38,02 %, лазерли текисланган майдонда мос равишда 40,46-38,46 % ни ташкил этади. Тажрибанинг иккинчи йилга келиб лазерли текисланган майдонда бирхил намланиш ва ўғитларнинг teng

тақсимланишига агротехник тадбирлар таъсирида, айниқса лазерли текислаш натижасида, қулай шароит яратилғанлиги боис, ўсимликларнинг аввалги йилга нисбатан жадал ривожланиши ҳамда атроф зовурларни тозаланиши эвазига тупроқнинг умумий ғоваклиги бирмунча яхшиланган бўлиб, назоратда 46,36-41,44 %, лазерли текисланганда 50,19-41,76 % га тенг.

## 5.2 Тупроқлар сув хоссаларига лазерли текислашнинг таъсирида ўзгариши

Тажриба майдони тупроқларининг табиий намлиги, дала нам сиғими (ДНС), капилляр нам сиғими (КНС), тўлиқ нам сиғими (ТНС), сув ўтказувчанлигини аниқлаш мақсадида ҳар 10 см дан табиий ҳолати сақланган тупроқ намуналари олинниб, лаборатория шароитида аниқланди.

Тажрибанинг биринчи йили куз фаслида олинган натижаларнинг кўрсатишича Бобур массиви ўтлоқи тупроқларда табиий намлик назоратнинг 0-30 см қатламида ўртacha тупроқ оғирлигига нисбатан 12,21 % ни ташкил қилган бўлса, 0-100 см да 14,51 % гатенг, лазерли текисланган вариантда бу кўрсаткич мос равишда 14,50-14,94 % ни ташкил қиласди. Олинган маълумотлари (5.2.1-расм) кўрсатишича, табиий намликнинг




**5.2.1 -расм. Сугориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар нам сиғимларининг лазерли текислаш таъсирида ўзгариши(2018 йил куз).**

юқори қатламларда кўп бўлиши кузатилиб, кузда физик буғланишнинг камайиши ўсимликларнинг намлиқдан фойдаланишига боғлиқ равища

ўзгаради.

2019 йил баҳор фаслида олинган натижаларга кўра (5.2.2 расм) ёғин сочинлар ҳисобига табиий намликнинг ортиши қузатилиб, назоратда 0-30, 0-100 смда 18,97-17,35 %, лазерли текисланган вариантда 18,73-20,29 % кўрсаткич қайд қилинди. Маълумки, тупроқ зичлигининг ортиши капилляр найларнинг торайишига олиб келади ва капилляр найлар орқали намликнинг юқорига кўтарилишига ва тупроқдаги сув заҳирасининг беҳуда буғланишига сабаб бўлади.

Табиий намлик қатламлар бўйича тақсимланиши суғориладиган ерларда суғорилгандан кейин ДНС ва хатто КНСгача етади, шу билан бирга сизот сувларининг сатҳи кўтарилишига олиб келади шунинг учун бу намлик ўзгаувчан ҳисобланади. Тупроқ намлигининг ўзгариши, унинг механик таркиби, зичлиги ва ўсимликлар турига боғлиқ бўлиб, бутун вегетация даврида ўзгариб туради. Ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов ости қатламида ёз ойларида табиий намлик ҳатто ўсмиликларни сўлиш намлигигача етади, пастки қатламларда эса намлик ортади, қуйи қатламларда эса максимал молекуляр нам сифимигача етади, Бу эса сизот сувлари яқин жойлашаган шароитда юз бериши тажрибаларимиздан маълум бўлди.



**5.2.2-расм. Суғориладиган бўз-ўтоқи тупроқлар нам сифимларининг лазерли текислаш таъсирида ўзгариши (2019 баҳор).**

Текширилган тупроқларнинг ДНС, КНС, ТНС механик таркибга боғлиқ равища үзгарган ҳолда Бобур массиви суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари енгил қумоқ тупроқлари шароитида 2019 йил тажриба натижаларига кўра назоратда 0-30 ва 0-100 см қатламларда ўртача 18,10-18,87 % бўлиб, лазерли текисланган вариантда бу кўрсаткичлар бироз ортиб мос равища 20,55-20,48 %ни ташкил этади ва қатламлар бўйича юқоридан пастга томон камайиб бориб, қуйи қатламларда бирмунча ортади. Назоратга нисбатан лазерли текисланган вариантнинг 0-30 смли қатламида ДНС нинг ортиши физик лойнинг миқдори ортиши билан боғлиқдир. Ҳайдов қатламида КНС 21,74 %, 0-100 смда 21,82 %ни ташкил қиласди. ТНС эса юқоридагиларга мос равища 23,65-23,80 % бўлиши аниқланди. Тажрибанинг иккинчи йилига келиб нам сифимлари ортиши кузатилиб, 0-30 ва 0-100 смда ўртача назоратда ДНС 22,93-22,28 %, КНС 25,27-24,91 %, ТНС 27,17-27,13 %га teng бўлса лазерли текисланган майдонда бу кўрсаткич янада мос равища ортган, яъни ДНС 24,40-22,17 %, КНС 27,27-24,62 %, ТНС 29,50-26,69 %га teng бўлиб назоратга нисбатан бироз каттароқдир. Нам сифимларининг бу тариқа ортиши тажрибанинг иккинчи йилида тупроқ зичлигининг кескин камайиши хисобига рўй берганлиги билан изоҳланади 5.2.1 –жадвал.

### **5.2.1-жадвал. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг нам сифимларига лазерли текислашнинг таъсири**

Вариант, №	Қатлам қалинлиги	Табиий намлик	ДНС	КНС	ТНС
		мутлақо қуруқ тупроққа нисбатан, %			
1	0-10	16,50	19,70	22,25	24,38
	10-20	9,51	15,81	22,39	24,42
	20-30	10,61	18,80	20,59	22,16
	30-40	11,03	18,08	20,25	21,87
	40-50	13,19	15,21	18,16	19,67
	50-60	13,92	21,73	23,52	25,63
	60-70	18,15	20,92	22,86	24,98
	70-80	18,15	21,13	23,03	25,44
	80-90	16,33	19,77	22,42	24,73
	90-100	17,70	17,57	22,77	24,71
<b>0-30</b>		<b>12,21</b>	<b>18,10</b>	<b>21,74</b>	<b>23,65</b>

	<b>0-50</b>	<b>12,17</b>	<b>17,52</b>	<b>20,73</b>	<b>22,50</b>
	<b>0-70</b>	<b>13,27</b>	<b>18,61</b>	<b>21,43</b>	<b>23,30</b>
	<b>0-100</b>	<b>14,51</b>	<b>18,87</b>	<b>21,82</b>	<b>23,80</b>
2	0-10	18,12	22,28	25,00	26,76
	10-20	13,26	19,82	21,32	22,41
	20-30	12,11	19,54	21,42	23,29
	30-40	10,07	18,33	19,35	20,79
	40-50	13,36	18,38	20,13	21,19
	50-60	14,41	19,26	20,83	22,24
	60-70	16,36	20,05	22,43	24,50
	70-80	16,85	23,44	24,76	26,37
	80-90	14,79	20,48	21,84	23,50
	90-100	20,05	23,20	24,44	25,63
	<b>0-30</b>	<b>14,50</b>	<b>20,55</b>	<b>22,58</b>	<b>24,15</b>
	<b>0-50</b>	<b>13,38</b>	<b>19,67</b>	<b>21,44</b>	<b>22,89</b>
	<b>0-70</b>	<b>13,96</b>	<b>19,67</b>	<b>21,50</b>	<b>23,03</b>
	<b>0-100</b>	<b>14,94</b>	<b>20,48</b>	<b>22,15</b>	<b>23,67</b>

**Тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги** – унинг юқори қатламлардан куийи қатламларга маълум тезликда сувни ўтказиш хусусиятидир. Қум, қумлоқ тупроқлар сувни қатламлар бўйлаб тез, зич, механик таркиби оғир, шўртоблашган, гипсли тупроқлар эса секин ўтказади. Тупроқларнинг энг муҳим сув-физикавий хоссаларидан бири бўлган сув ўтказувчанлик, тупроқларни агрономик ва мелиоратив таснифини беришда, ҳамда сув тартиботини, суғориш техникасини, шўр ювишни, эрозия пайдо бўлишини ва бошқа тадбирларни ҳар томонлама аниқлашда жуда катта аҳамиятга эга.

Бўз-ўтлоқи тупроқлар шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, сув ўтказувчанлик қониқарли гурӯхга мансуб бўлиб, назоратда  $176 \text{ м}^3/\text{га}$ , лазерли текисланган вариантда эса бироз юқори бўлиб,  $183 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил қиласди.

### 5.2.3-жадвал. Тупроқ сув ўтказувчанлигига лазерли текислашнинг таъсири

Вариант, №	мм/мин								м/сутка	$\text{м}^3/\text{га}$ /соат
	10 мин	30 мин	1 соат	2 соат	3 соат	4 соат	5 соат	6 соат		
Суғориладиган бўз-ўтлоқи										
1	1,92	0,40	0,41	0,30	0,27	0,23	0,29	0,26	0,42	176
2	1,30	0,43	0,48	0,32	0,30	0,25	0,24	0,24	0,44	183

## **Хулосалар ва ишлаб чиқаришга тавсиялар**

Хозирги кунда шўрланган ерларни соғломлаштириш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилини ошириш учун мелиорациянинг назарий ва амалий жабҳаларида стратегик режаларида кескин ўзгартишлар қилиш яъни лазерли текислаш ишларини амалга оширишд давр талаби ҳисобланади, жумладан:

1. Суғориладиган худудларда мавжуд коллектор-зовур тармоқлари ва вертикал қудуқларнинг техник носозлиги ва иш самарадорлигининг ўта пастлиги боис, ҳозирда вужудга келган гидроморф сув тартибини яrim гидроморф сув тартиби билан алмаштириш энг мақбул мелиоратив тартиб ҳисобланиб, бунда ер ости сизот сувларининг сатҳини "критик" (2,5-3,0 м) чукурликдан пастда ушлаб туришда лазерли текислашшга қаратилган барча гидромелиоратив тадбирлар мажмуаси ўз аксини топиши керак.

2. Коллектор-зовур тармоқларининг ўртача солиштирма узунлиги гектарига камида 45-50, оғир механик таркибли, "қийин мелиорацияланувчи" ерларда эса 70-80 погон метрга етмаган майдонларда уларни қайта қуриш, қолган майдонларда эса капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш биринчи ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар қаторига киради. Шу билан бир қаторда ҳозирда мавжуд коллектор-зовур тармоқларини мунтазам яхши ҳолатда ушлаб туриш ва фойдаланиш иш самарадорлигини пасайишига йўл қўймаслик зарур.

3. Ўртача ва кучли шўрланган ерларда ғўза орасига кузги ғалла экишга мутлоқ йўл қўймаслик лозим, зовурларни 40-45 фоизини камида ҳар 3 йилда бир марта тўлиқ тозалашга эришиш керак. Ғўза асосан, ғалла билан навбатлаб экилиши натижасида экин майдонлари йилига 2 марта ҳайдалаётганини эътиборга олиб, ерларни лазерли текислаш ишларини аввалгидек ҳар 10 йилда эмас, балки 4-5 йилда ўтказилиши яхши самара беради.

4. Суғориладиган ерларда ер ости сув балансини ҳалокатли бузилишини ва сизот сувларининг кескин кўтарилишини олдини олиш учун

сугориши тартиботларини түғри йўлга қўйиш, республика вилоятлари бўйича гидромодул районлаштириш схемаси доирасида белгиланган сув меъёрларига амал қилиш, ўсимликларни сувга бўлган талабларидан келиб чиқиб, ҳозирда 40 фоизгача йўқотилаётган танқис сувни ортиқча сарф бўлишига йўл қўймаслик учун лазерли текислаш керак. Бу борада сугориши тармоқларини таъмирлаш, техник қайта жиҳозлаш муҳим аҳамиятга эга.

5. Мумкин қадар ҳайдалиб, яхши текисланган майдонларда шўр ювиш меъёрларига риоя қилган, коллектор-зовур тармоқларини ишчи ҳолатга келтирган ҳолда, тупроқни шўрланганлик даражаси ва шўрланиш типлари (сульфатли, хлорид-сульфатли, сульфат-хлоридли, хлоридли) ҳамда тупроқнинг механик таркиби, сув ўтказувчанлик қобилияти ва бошқа хосса-хусусиятларидан келиб чиқиб, шўр ювишнинг муайян аниқ муддатлари ҳўжалик мутахассислари (агроном, инженер-гидротехник, мелиоратор, фермер) томонидан белгиланиб сифатли шўр ювишни ташкил этиш учун лазерли текислаш зарур.

6. Тупроқ намуналари бўйича аниқланган, устки 0-1 м.ли қатламда 50 тоннагача туз заҳиралари бўлган тупроқлар суворма дехқончиликни муваффақиятли ва самарали юритишда қулай, нисбатан унумдор тупроқлар ҳисобланиб, шўрсизлантирувчи тадбирлар талаб этилмайди, уларнинг ҳозирги унумдорлик даражасида ушлаб туриш кифоя, 50-100 т/га туз заҳиралари бўлган тупроқларда шўрсизлантириш ва соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар бундан буён зовурлар фонида ўтказилиши ва мунтазам назоратда бўлиши керак, 100-200 т/га туз заҳиралари мавжуд тупроқларда олдинги гурухга нисбатан янада самаралироқ мелиоратив тадбирлар ўтказишни, турли даражада минераллашган (5-10 г/л) сизот сувларини шўрсизлантиришни, яхши ишловчи коллектор-зовур тармоқлари фонида ўртacha нормаларда сифатли шўр ювишни тақозо этади, 200-300 т/га туз заҳиралари бўлган, сизот сувлари кучли минераллашган (10-25 г/л) тупроқларда гидро- ва агромелиоратив тадбирлар мажмуасини қўллаш, бу ерларда албатта чуқур, иш самарадорлиги юқори КЗТ фонида ер ости

оқимлари яхши таъминланган шароитда катта меъёрларда шўр ювиш тақозо этилади. Туз заҳиралари 300 т/га дан ортиқ, сизот сувлари концентрацияси жуда кучли бўлган ўта кучли шўрланган тупроқлар ва шўрҳоклар мураккаб туб мелиорация мажмуасини талаб этади ва бундай тупроқлар "қийин мелиорацияланувчи" ерлар гуруҳига киради. Бундай тупроқларни пахта тасарруфидан чиқариб бошқа мақсадларда фойдаланиш кўзланган иқтисодий самара бериши мумкин.

7. Юқорида баён этилган таклиф ва тавсиялардан ташқари қишлоқ хўжалик мутахассислари, ирригаторлари, мелиораторлари, муҳандислари ва олимлари олдида иш самарадорлиги юқори такомиллашган янги типдаги зовурлар технологиясини яратиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш ва сақлаш ҳамда шўрланган ерлардан юқори ҳосил олишни таъминловчи янада самаралироқ, мелиоратив тадбирларни жорий этиш, тупроқдаги гумус баланси нотанқислигини ва тупроқ сув-физикавий, физик-кимёвий, биокимёвий, мелиоратив хоссаларини мўътадиллигини таъминловчи бир қатор янги тадбирлар ва технологиялар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга тезда татбиқ этиш муаммолари биринчи галдаги вазифалардан саналади. Бу муаммолар ечимини ҳал этиш орқали қўзда тутилган мақсадларга эришиш мумкин.

8. Лазерли текислаш тупроқ сув-физикавий хоссаларини бринчи йил бирмунса ёмонлаштиурсада кейинги йилларда яхшиланиб бориши ва мақбул хоссаларга эга бўлиша кзатилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдуллаев С., Абдрахманов Т.А., Сидиков С., Жалилов С. Прогноз изменения почвенно-экологической обстановки Арнасайского понижения. Турция, 2000.- с. 15-17.
2. Акжигитова Н.И. Растительность засоленных почв Средней Азии, ее индикационные свойства и рациональное использование. Автореф. дисс. ... докт. биол. наук. - Ташкент: АНССР, Ин-т ботаники, 1982. - 41 с.
3. Алимов Р.А. Основные проблемы орошения и мелиорации земель и организация научных исследований. В кн.: Материалы объединенной сессии ВАСХНИЛ и АН Уз ССР. –Ташкент: Фан, 1956. -57-59 с.
4. Антипов-Каратаев И.Н., Грабовская О.А., Керзум П.А. засоление почв Вахшской долины и меры борьбы с ним. М.- Л., Изд. АН СССР, 1940.
5. Антонов В.И., Гончаров В. Орошение и освоение Джизакской степи. –Хлопководство.–Ташкент. 1966. № 11. –С. 34-36.
6. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв. – Москва.: МГУ, 1970. -488 с.
7. Ахмедов А.У. Почвенно-мелиоративные условия восточной части Джизакской степи и основные пути их улучшения. Автореф. дисс. ... канд. с.-х. наук. -Ташкент, 1983. -23 с.
8. Ахмедов А.У., Абдуллаев С.А., Парпиев Ф.Т. Сирдарё ва Сирдарё вилоятларининг суғориладиган тупроқлари. Монография. –Тошкент: ЎзРФА “Фан” нашр., 2005. V-боб. -122-157 б.
9. Бирюкова А.П. Влияние орошения на водный и солевой режим почв Южного Заволжья. М., Изд. АН СССР, 1962.
- 10.Бушуев М.М. О голодностепской опытной станции. Колебания уровня сизотовых вод и влияние глубины ихна урожай хлопчатника. Труды III съезда по с-х. Турк. края. Ташкент, 1914.
- 11.Вадюнина А.Ф., Корчагина З.А. Методы исследования физических свойств почв.-М.: «Агропромиздат», 1986.-416 с.

12. Волобуев В.Р. О критическом уровне сизотовых вод, засоляющих почву. Доклады АН Аз. ССР. 1946, № 8.
13. Грабовская О.А. Процессы рассоления почв долин южного Таджикистана при мелиорации. Изд. А.Н. Тадж. ССР, 1961.
14. Грабовская О.А. Характер и развитие засоленных почв в Вахшской долине в связи с их классификацией. Проблема советского почвоведения, 1941, вып.13.
15. Гуссак В.Б., Рыжов С.Н. Агрофизические свойства почв. "Хлопчатник". В 2-х т. -Ташкент. 1957. -С. 32-34.
16. Димо Н.А. Влияние искусственного орошения и повышенного естественного увлажнения на процессы почвообразования и перемещение солей в почвосизотах Голодной степи. Саратов. СПБ. 1911. С-55.
17. Дунин-Барковский Л.В. Физико-географические основы ирригации.- Москва.:Наука, 1976. С-45.
18. Камилов О.К. Мелиорация засоленных почв Узбекистана. -Ташкент: Фан, 1985. -230 с.
19. Камилов О.К. Минерализация сизотовых вод в Южной части Голодной степи // Сельское хозяйство Узбекистана.-1960.-№ 8. -С. 34-36.
20. Қаршибоев Ҳ.Қ. Биохилма-хилликни сақлаш ва ривожлантириш-давр талаби // Биохилма-хилликни сақлаш ва ривожлантириш: мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани маъruzалари тўплами.-Гулистон: ГулДУ, 2007.-Б.5-6.
21. Кац Д.М. Влияние орошения на сизовые воды М., "Колос", 1976.
22. Кац Д.М. Режим сизовых вод в орошаемых районах и его регулирование. М., Сельхоз издат., 1963.
23. Качинский Н.А. Физика почв. -М., 1975.-357 С.
24. Кенесарин Н.А. Влияние орошения на режим сизовых вод в условиях аридной зоны. В кн.: Симпозиум по гидрогеологии аридных зон. Ташкент, АН УзССР, 1968. -67 с.

- 25.Кенесарин Н.А. Формирование режима сизотовых вод орошаемых районов. -Ташкент: АН Уз ССР, 1959. -179 с.
- 26.Киселева И.К. Регулирование водного режима. В кн. "Системе ведения сельского хозяйства на землях нового освоения Голодной степи". Ташкент, 1959. -37 с.
- 27.Ковда В.А. Вопросы происхождение засоленных почв и мелиорации. Изд. АН СССР, 1954.
- 28.Ковда В.А. Основы теории и практики мелиорации и освоения засоленных почв аридной зоны. Сб. "Проблемы засоления почв и водн. источн". Изд. АН ССР, М., 1960.
- 29.Ковда В.А. Почвы аридной зоны. В кн. "Почвы аридной зоны как объект орошения", М., "Наука", 1968.
- 30.Ковда В.А. Происхождение и режим засоленных почв // Изд. АН СССР, том II, М.- Л., 1947.
- 31.Ковда В.А. Происхождение и режим засоленных почв. Изд.: АН СССР, том II, М.- Л., 1946.
- 32.Ковда В.А. Сизовые воды Голодной степи. Тр. Почв. ин-та им. В.В.Докучаева. Т. XXIX, М., 1948.
- 33.Курвантаев Р., Турғунов М.М. Суғориладиган ўтлоқи тупроқларда заҳарли тузлар микдорини лазерли текислаш таъсирида ўзгариши // Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари "Умид" жамғармаси битирувчиларининг бринчи Халқаро конференцияси 3-4 январь 2020 йил. - Тошкент, 2020. - Б. 468-471.
34. Легостаев В.М. К вопросу освоения почв Голодной степи. Почвоведение, 1958, № 1.
- 35.Легостаев В.М. Нормы осушения почв орошаемых земель в республик Средней Азии. В кн. Борьба с засолением орошаемых земель. М., "Колос", 1967.

36. Мансуров Н.Х. Почвенно-мелиоративные условия юго-восточной части Голодной степи (на примере совхоза "Пахтакор"). Автореф. канд. дисс., Ташкент, 1991.
37. Минашина Н.Г. Орошаляемые почвы пустыни и их мелиорация. М, "Колос", 1974.
38. Минашина Н.Г. Физико-химическая модель расчета нормы воды для промывки засоленных почв. Почвоведение, 1958, № 1.
39. Насонов В.Г., Рузиев И.Б. Влияние миграции солей на мелиоративное состояние орошаемых земель в бассейне Арала. Проблемы освоения пустынь, Ашхабад, 3-4, 1998.
40. Парпиев F.T. Мирзачўлнинг эскидан суғориладиган ҳудуди тупроқ-мелиоратив ҳолатини ер мониторингини юритиш маълумотлари асосида баҳолаш. К/х.ф.н. ... дисс. автореферати. – Тошкент: ТАИТДИ, 2009. – 28 б.
41. Парпиев F.T. Туз тўпланиши жадаллиги. // «O’zbekiston qishloq xo’jaligi» jurnali. - Toshkent, 2004. - №4. - Б. 8-9.
42. Парпиев F.T., Ахмедов А.У., Турдиметов Ш.М., Мусурмонов А. Мирзачўлни эскидан суғориладиган зонаси тупроқларининг морфогенетик хусусиятлари // «Аграр соҳада ер ресурсларидан фойдаланиш, уларнинг биологик, экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. - Гулистон: ГулДУ, 2009. – Б. 91-92.
43. Полынов Б.В. Об изменении растворов при капиллярном поднятии их в почвах и сизотах. Известие научно-мелиоративного института. Т. XXI, 1930.
44. Правда Востока. 2000 й. 16 ноябр.
45. Решеткина Н.М. Гидрогеологические основы вертикального дренажа. – Ташкент: АН УзССР, 1980. – С. 32-33.
46. Рижов С.Н. Причины высокого естественного плодородия светлых сероземов Голодной степи // Почвоведение. 1952, № 12.-С.1082-1088.

47. Рижов С.Н., Саакянц К.Б. Изменение химических и физических свойств сероземов под влиянием окультуривания. Труды САГУ, новая серия, вып. 138. Биологические науки, кн. 34. Ташкент, 1958, с.3-15
48. Розанов А.Н. Почвенно-мелиоративное исследование земель в целях орошения. В кн. Почвенная съемка. М., 1958. -65 с.
49. Розов Л.П. Мелиоративное почвоведение. Сельхозгиз, 1956.
50. Сирдарё ва Сирдарё вилоятларининг суғориладиган тупроқлари. Монография. «Фан», Тошкент, 2005. –Б. 43-122.
51. Сучков С.П. Изменение светлых сероземов Голодной степи под влиянием освоения. В сбор. “Почвы Голодной степи и их агрохимическая характеристика” Изд. МСХ Уз. Ташкент, 1961. -175 с.
52. Туляганов Х.Т. Гидрогеологические основы освоения земель предгорных равнин. Изд.: Фан, Ташкент, 1971.
53. Турғунов М.М., Құрвантаев Р. Мирзачұл воҳаси суғориладиган ўтлоқи тупроқлари шүрланиш даражасига лазерли текислашнинг таъсири. / Агроилм, - Тошкент, 2019, 3[59], - Б. 92-93.
54. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси. Республикада суғориладиган ерларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар., Тошкент, 2001.
55. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аграр сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг мажлиси қарорлари., 2002 й. 13 ноябр.
56. Хасанов А.С. Худудльное распределение сизотовых вод по их химическому составу. В кн. “Материалы по производительным силам Узбекистана”, вып. 15, Ташкент, 1960. –С. 40-50.
57. Ходжибаев Н.Н., Алимов М.С. Региональный водно-солевой баланс Голодной степи. Ташкент, 1966. -88 с.
58. Шуравилин А.В. Регулирование водно-солевого режима почв Голодной степи // Изд. Унив. дружбы народов, Москва, 1989.,

- 59.KRASS, Ибрагимов Н.,Рўзимов Ж.,Эгамбердиев О.,Акрамхонов А., Руденко И., Нурметов К. Ерлардан лазер нивеллари ёрдамида текислаш бўйича техник йўриқнома. Урганч, 2012.
- 60.Юкио Окуда, Хироши Икеура, Джуния Ониши, Наота Нитта, Аюми Фукуо, Каори Шигай. Сизот сувлари сатҳи юқори жойлашган шароитда қишлоқ хўжалиги ерларидан шўрланишни камайтириш тадбирлари бўйича қўлланма. 2013.
- 61.Abdullaev S.A., Axmedov A.U. The Appraisement of Modern Soil-Melioration Conditions of Irrigated Soils of the Hungry Steppe FF New Dimensions in. Desert Technology. Abstracts of the Desert Technology-7 International Conference U maid Bhawan Palace, Jodhpur. – India, 2003. – P. 52-53.
- 62.Driessen P.M., Dusal R. The Major soils of the World FF Agricultural University Wageningen & Katolieke Universiteit Leuven. 1991, -P. 195-212F
- 63.Szabolcs I. An Overview on Soil Salinization and Alkalization in EuropeFF European Society of Soil Conservation Bulletin. 1994.-P. 3-16.
- 64.Zavaleta A. Salt affected soils in Latin AmericaFF- J. Agrochemistry and Soil Sci. Budapest, 1974. v. 23, -P. 149-153.
- 65.[www.Uznet.uz](http://www.Uznet.uz)
- 66.[www.bibliotek.com.ru](http://www.bibliotek.com.ru)
- 67.[www.bibliotek.com](http://www.bibliotek.com)
- 68.[www.iwmi.cgiar.org](http://www.iwmi.cgiar.org)
- 69.[www.ToshDAU.uz \(electron kutubhona\)](http://www.ToshDAU.uz (electron kutubhona))
- 70.[www.ZiyoNet.com.uz](http://www.ZiyoNet.com.uz)